


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ИНСТИТУТИ

# ГАНДБОЛ

(Мусобақа қоидалари, уларни ташкил этиш  
ва ўтказиш тизими)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ИНСТИТУТИ

# ГАНДБОЛ

(Мусобақа қоидалари, уларни ташкил этиш  
ва ўтказиш тизими)

*Мусобақа қоидалари  
Ўзбекистон Гандбол федерациясида  
тасдиқланган ва нашр этишига  
рухсат берилган*

ТОШКЕНТ – 2008

## Тұлупчылар:

Намған Ш.К. - ҰзДЖТИ доценти, миллій тоифадаги ҳакам.

Айдурханашвили Ф.А. - ҰзДЖТИ доценти, Ўзбекистон Республикасында хизметтегі күрсіктегі мұраббий.

Амиров Р.И. - Намған жисмоний тарбия назарияси ва спорт шуралариниң үқымшының услубиеті кафедрасы доценти в.б., миллій тоифадаги ҳакам.

## Тәкризчилар:

Ярашев К.Д.- педагогика фанлари номзоди, профессор.

Набиев Т.Ә. - педагогика фанлари номзоди.

Жисмоний тарбия институти талабалари, мактаб, колледж үқувчилари ва тренер, мактаб үқитувчиларига құлланма сифатида фойдаланып учун тавсия этилади.

© “Lider Press” нашриёти, 2008 ж.

# I БЎЛИМ. МУСОБАҚА ҚОИДАЛАРИ

## Қоида 1. Ўйин майдони

1.1. Ўйин майдони (1-расм) узунлиги 40 метр, эни 20 метрли тўрт бурчақдан иборат бўлиб, ўз ичига икки дарвоза майдони (қоида 1.4. ва 6) олади. Майдонни белтиловчи бўйлама чизик, ён чизик, қўндаланг чизик юза чизик деб аталади.

Ўйин майдонининг атрофида ён чизикдан 1 метр ва юза чизикда 2 метрли хавфсизлик зонаси жойлашган бўлиши лозим.

Ўйин жараёнида майдон у ёки бу жамоага имтиёз берувчи ўзлаштиришлар киритилиши ман этилади.


1.2. Дарвоза (2-а ва 2-б расмлар) юза чизик ўртасига ўрнатилади. Дарвоза полга ёки орқадаги деворга маҳкам ўрнатилиши лозим. Дарвозанинг ички тарафидаги ўлчами баландлиги 2 метрни ва энтига 3 метрни ташкил қиласди.

Дарвоза устунлари горизонтал жойлашиб, уларнинг ўлчами тарафлари 8 см ҳосил қиласиган квадратдан иборатдир. Майдон тарафдан кўринадиган дарвоза устунларининг 3 тарафи атрофдаги асосий рангдан ажралиб қўндаланг икки хил ранга бўялиши шарт.

Дарвоза орқа тарафдан бўш осилган ип тўр билан беркитилади. Тўр шундай боғланиши керакки, тўп ундан ўтиб кетмаслиги керак.

1.3. Барча белтиловчи чизиклар эни, майдонга, чегараланган майдончага ва масофага киради. Белтиланган чизиклар эни 5 см бўлиб, улар аниқ ва равшан кўриниши шарт. Дарвоза устунлари орасидан ўтадиган чизикнинг эни эса 8 см бўлиши керак.

Ёндош зоналар ҳар хил рангда бўялиши мумкин.



1-расм. Үйин майдони

1.4. Ҳар бир дарвоза олдида дарвоза майдончаси (6 қоидада) жойлашилади. Дарвоза майдончаси майдонга чизиги (6 метрли чизик) билан қуидағы аниқланади: дарвоза олдидан 6 метр масофада юза чизикта параллел 3 метрли чизик үтказилади ва дарвоза устуни пастки бурчагидан радиуси 6 метрли айланманинг түрттадан иккى қисми шу чизикта келиб құшилади (1 ва 2-а расмларга қаранг).

1.5. Эркін тұп ташлаш чизиги (9 метрли чизик) дарвоза майдончаси чизиги ташқарисидан 3 метр масофада параллел пункттир чизик чизилади. Бу чизик штрихли ва оралиқ масофа 15 см узунлиқда бұлади (1-расм).

1.6. 7 метрли жарима тұп ташлаш чизиги – дарвоза үртасидан 7 метр масофада, дарвоза майдончаси чизигидан параллел үтказилған 1 метрли чизикдан иборат бұлади (1-расм).


1.7. 7 метрли жарима тұп ташлаш чизигига параллел 3 метр масофада, дарвозабон майдончасида узунлиғи 15 см бұлған, жарима тұп ташлашда дарвозабон үтишга ҳуқуқсиз чизик белгиланади (1-расм).

1.8. Майдон үртасидан күндаланғ юза чизикта параллел чизик үтказилиб, у үрта чизик деб аталади (1-3 расмлар).


1.9. Үйинчиларни алманшырыш зонасининг чизиги – ён чизикта майдон үртасидаги чизикнинг улантан нұктасида ҳар бир майдон бўлаги томонга 4,5 метрли масофада маркази чизигига параллел ён чизикдан 15 см чизик белгиланади (1 ва 3-расмлар).

Секретар ва секундометристлар учун қўйилған стол ҳамда захирадаги үйинчилар учун қўйилған скамейка шундай жойлашиши керакки, үтирган үйинчилар алманшыш зонасининг чизикларини bemalol кўришлари лозим. Секретариат

Одан да хирадаги ўйинчилар скамейкасига нисбатан ён тоңдук жөнирөк жойлашади, фақат 50 см дан яқин бүлмасынан дөлім.



а




Дарваза чизиги

Майдон тарафынан

б

2-расм. Дарваза



2-рasm. Дарвозанинг ён томондан кўриниши



3-расм. Уйинчи алмаштириш худуди чизиги

## Қонда 2. Үйиннің вақти. Финал “сирена”си ва тайм-аут.

### Үйиннің вақти

2.1. Одатда 16 ёшдан жоғори бўлган ўйинчилардан ташкил топтаган жамоалар учун ўйин 30 дақиқадан 2 таймдан, таймлар орасидаги танаффус 10 дақиқадан иборат бўлади.

Еши болалар жамоалари учун ўйин давоми қуйидагича белгиланган: 12-16 ёшдагилар учун 2x25, 8-12 ёшдагилар учун 2x20 дақиқани ташкил этади. Ҳар икки ҳолатда ҳам таймлар орасидаги танаффус 10 дақиқа белгиланади.

2.2. Агар ўйиннинг асосий вақтида дурранг ҳолати қайд этилса, лекин ғолибларни аниқлаш зарур бўлса, у ҳолда 5 дақиқали танаффусдан сўнг кўшимча вақт белгиланади. Кўшимча вақт 5 дақиқали икки таймдан бўлиб, таймлар орасида 1 дақиқали танаффус берилади.

Агар юқорида кўрсатилган ҳолатларда ғолиб аниқланмаса, у ҳолда мусобақа Низомида кўрсатилган шартлар орқали аниқланади.

### Финал “сирена”си

2.3. Ўйиннинг вақти майдондаги ҳакамлар хуштаги билан дастлабки эркин тўп ташалаш белгиланади. Ўйин якуни эса финал сиренаси орқали ёки вақт белгиловчи ҳакам хуштаги билан якунланади. Агар сигнал берувчи ускуналар йўқ бўлса, у ҳолда ҳакамлар ўйин вақти тутаганлиги тўғрисида хуштак беради (17.10.).

**Мулоҳаза:** Агар автоматик финал “сирена” сини берадиган ускуналар йўқ бўлса, у ҳолда шахмат соати ёки секундомердан фойдаланиб, ўйин якунига хуштақ беради (18.2., 2-абзац)

Вақтни ахборот ҳисоблагиң ускуналардан фойдаланып да үйин вақтини 0 дан 30 дақиқа қилиб белгиләш мақсатта мувофиқдир.

2.4. Финал сиренасидан олдин ва ўша вақтда үйин қоидаси бузилса ёки спортчига хос бўлмаган ҳаракат келиб этилса, у ҳолда финал сиренаси берилганингига қарамайди. Ўйинчилар ҳакамлар томонидан жазоланади. Белгиланган (эркин тўп ташлаш ёки 7 м жарима) жазо натижаларидан сўнг үйин вақти тутатилади.

2.5. Эркин тўп ташлаш ёки 7 метрли жарима тўпни бажариш ватиқда, тайм ёки үйин якунидан сирена берилса, у ҳолда тўп отишлар қайтарилиши шарт. Фақат қайтарилган ҳаракат натижасидан сўнг ҳакамлар үйинни якунлайди.

2.6. Эркин тўп ташлаш ёки 7 метрли жарима тўпни ташлашни бажарилишида үйинчи ёки жамоа вакилига қоидада бузгани ёки спортчига хос бўлмаган хулқи учун шахсий жазо берилганда тўп қарама-қарши томонга эркин тўп ташлаш белгиланиши ман этилади.

2.7. Майдондаги ҳакамлар, секундометрист томонидан (тайм ёки үйин якуни) сирена барвақт берилгандек ҳисобласа, у ҳолда үйинчилар майдонда қолдирилиб қолган вақт үйналади.

Барвақт сигнал берилган вақтда тўп эгаллаган жамоа үйин тұхтатилган жойдан эркин тўп ташлаш билан үйинни башлайдилар.

Агар үйиннинг биринчи ярми (ёки қўшимча тайм вақтни белгиланган вақтдан кўпроқ үйналса, у ҳолда үйинни иккинчи ярми ортиқча үйналган вақтта қисқартирилади. Агар үйиннинг иккинчи ярми (ёки қўшимча тайм вақтни кўрсатилган вақтдан ортиб кетса, бундай ҳолатда ҳакамлар қандай ўзгартиришлар қилолмайди.

## Тайм-аут

2.8. Қашон ва қанча вақт үйин вақтини тұхтатишига ҳақамлар қарор қилиши мүмкін.

Тайм-аут берилиши шарт, агар:

а) 2 дақиқага чиқарылып ёки дисквалификация қилингенде;

б) 7 метрли жарима түп белгиланғанда;

в) жамоаларга тайм-аут берилғанда;

г) үйинчилар нотұғри алмаштирилып ёки майдонга “ортиқча” үйинчи кирса;

д) вақт белгиловчи ҳақам ёки техник вакил хуштак берғанда;

ж) ҳақамлар үзаро маслағатлашишига зарурият туғилса (қоиданинг 17.8. бандига биноан).

Одатда, тайм-аут стандарт ҳолатда юзага келған шароитда берилади:

Тайм-аут вақтида йўл қўйилган хатолар үйин давомида йўл қўйилган хатолар каби жазоланади (16.3).

2.9. Ҳақам үйин вақтини тұхтатиши юргизиш түғрисида секундометристта ишора билан кўрсатади.

Үйин вақти ҳақам томонидан учта қисқа хуштак ва жест (16) ишорасини кўрсатғандан сўнг секундометрист томонидан тұхтатилади.

Тайм-аутдан сўнг ҳар доим ҳақам хуштагидан сўнг үйин давом этади (15.3.).

2.10. Ҳар бир жамоа үйиннинг асосий вақтининг ҳар бир таймида бир дақиқали жамоавий тайм-аут олишта ҳақлидир (илова 3).

### **Қоида 3. Тұп**

3.1. Тұп чарм ёки синтетик материаллардан тайёрланағы. У доира шаклида бўлиб, ташқи қавати сирпанчик өз ялтироқ бўлмаслиги шарт (17.3).

3.2. Тұпнинг ўлчами, яъни айланаси ва вазни ҳар хил ёшдаги жамоалар учун қўйидагича бўлиши керак:

- 58-60 см ва 425-475 (ХГФ рақами 3) эркаклар ва ўсмирлар (16 ёшдан юқори) жамоаси учун;

- 54-56 см ва 325-375 (ХГФ рақами 2) аёллар, қизлар (14 ёшдан юқори) ва ўсмирлар (12 дан 16 ёшгача) жамоалари учун;

- 50-52 см ва 290-330 (ХГФ рақами 1) қизлар (8 дан 14 ёшгача) ва ўғил болалар (8 дан 12 ёшгача) жамоалари учун.

**Изоҳ:** барча расмий ҳалқаро ва қитъя мусобақаларида тұпга бўлган техник талаб “Ҳалқаро гандбол федерацияси”нинг тұпга талаб “регламенти” да кўрсатилған.

“Мини гандбол” учун фойдаланиладиган тұп ўлчами ва вазни оддий ўйин қоидаларида кўрсатилмаган.

3.3. Ҳар бир ўйинде камида икки тұп бўлиши шарт. Захирадаги тұп бутун ўйин давомида бевосита секретариат столида бўлиши лозим. Тұп 3:1-2 қоида талабига жавоб берини шарт.

3.4. Захира тұпдан қай вақтда фойдаланиш зарурлигини ҳакамлар ҳал қиласи. Бундай ҳолаттарда ҳакамлар захирадаги тұпни иложи борича тезроқ ўйинга киритиши лозим, шундагина тайм-аутта ҳожат қолмайди.

### **Қоида 4. Жамоа. Ўйинчиларни алмаштириш. Ўйинчилар формаси.**

#### **Жамоа**

4.1. Жамоа таркиби 12 ўйинчидан тузилади.

Майдонда бир вақтда 7 дан ортиқ үйинчи бўлиши мумкин эмас. Қолған үйинчилар заҳирада бўлади.

Бутун үйин давомида жамоанинг бир үйинчиси дарвозабон сифатида бўлиши керак. Дарвозабон вазифасини бажарувчи үйинчи керак вақтда у майдон үйинчиси вазифасини бажариши мумкин. Худди шундай майдон үйинчиси ҳам керак вақтда дарвозада үйнаши мумкин (аммо, 4:4 1а, 4:7 қоидага қаранг).

Үйин бошланишида майдонда жамоалар таркиби 5 үйинчидан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамоалар таркиби үйин давомида ва қўшимча вақтда 12 үйинчигача тўлдирилиши мумкин (қитъя ва ХГФ мусобақаларида бу ҳолат мусобақа Низомида кўрсатилган шартларга амал қилинади, чунки бу мусобақаларда жамоа таркиби 14 ва 16 үйинчи бўлиши мумкин).

Майдонда жамоа үйинчилари 5 тадан кам бўлганида ҳам үйин давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолатларда фақат ҳакамлар үйинни тўхтатиш ёки тўхтатмаслик тўғрисида қарор қабул қиласи (17:13).

4.2. Бутун үйин давомида жамоада фақат 4 расмий шахс бўлиши мумкин. Бутун үйин давомида бу жамоа расмий шахслари алмаштирилиши мумкин эмас. Шулар жумласидан, жамоанинг “расмий вакили” хисобланади. Фақат у ҳакамларга, секретарга ва секундометристга мурожат қилиши мумкин (лекин, илова 3, жамоавий тайм-аутга қаранг).

Үйин давомида жамоа расмий вакили майдонга чиқиши маън этилади. Ушбу қоидага риоя қилинмаса, у холда спортчига хос бўлмаган ҳулқ деб қайд этилади (8:4, 16:1 д, 16:3 д ва 16:6 б қоидасига қаранг). Үйин рақиблар жамоаси томонидан эркин тўп ташалаш билан давом эттирилади (13:1 а-в қоидаси, бироқ тушунтириш илова 9 га қаранг).

4.3. Ўйинчи ёки расмий шахс ўйинда иштирок этиши мумкин, лекин ўйин бошланишидан олдин уларнинг исми-шарифлари баённомада қайд этилиб, ўйин ботланишида майдонда бўлиши керак.

Ўйинга кечикиб келган ўйинчи ва расмий шахс ўйинда иштирок этиш учун секретар ёки секундометристдан рухсат олиб, исми-шарифини баённомада қайд эттириб, ўйинда иштирок этиши мумкин.

Ўйнашга хукуқли бўлган ўйинчи одатда, ҳар қачон ўзининг жамоасига қарашли майдондаги ўйинчи алмаштириш учун белгиланган жойдан майдонга кириши мумкин (аммо, 4:4 ва 4:5 қоидага қаранг).

Ўйинга қатнашиш хукуқига эга бўлмаган ўйинчи майдонга кирса, дисквалификация қилинади (16:6 а). Тўхтатилган ўйин рақиб жамоаси ўйинчилари томонидан эркин тўп ташлаш билан давом эттирилади (аммо, тушунтириш № 9 га қаранг).

### **Ўйинчиларни алмаштириш**

4.4. Захирадаги ўйинчилар ўйин давомида хоҳлаганича ўйинга чиқиши мумкин, фақат майдондаги ўйинчи майдондан чиққанидан сўнг, ўйинга чиқиш учун секретар ёки секундометристни огоҳлантириши шарт эмас (4:5).

Ўйинчи майдонга кириш ва чиқишини фақат ўз майдонида ўйинчиларни алмаштириш учун белгиланган жойдан амалга ошириши шарт (4:5). Бу ҳолда дарвазабонлар учун ҳам тааллуқлидир (шунингдек, 4:7 ва 14:10 қаранг).

Ўйинчини алмаштириш, шунингдек, тайм-аут вақтида ҳам ушбу қоидага риоя қилинади (жамоавий тайм-аутдан ташқари).

4.5. Ўйинчи алмаштириш қоидасини бузган ўйинчи 2 дақиқага ўйиндан чиқарилиши билан жазоланади. Агар

жамоада шу қоидани бирорта ўйинчи бузса, у ҳолда биринчи бўлиб қоидани бузган ўйинчи жазоланади.

Ўйин рақиб жамоаси томонидан эркин тўп ташлаш билан давом эттирилади (13:1 а-б аммо, тушунтириш №9 га қаранг).

4.6. Агар қўшимча ўйинчи ўйин майдонига чиқса, у 2 дақиқага жазоланади. Жамоа ўйинчилари бир ўйинчига қисқартирилади.

Агар ўйинчи 2 дақиқали вақт тугамасдан ўйин майдонига кириб келса, у ҳолда у яна 2 дақиқага жазоланади. Биринчи 2 дақиқадан қолган вақт жамоада яна бир ўйинчи қисқартирилиши билан амалга оширилади. .

Ҳар икки ҳолатда ҳам ўйин рақиб жамоаси ўйинчилари томонидан эркин тўп ташлаш билан давом эттирилади (13:1 а-д қаранг, аммо тушунтириш № 9).

### **Ўйинчилар формаси**

4.7. Жамоанинг ҳамма ўйинчилари бир хил спорт формасида бўлиши шарт. Бир жамоанинг спорт формасининг ранглари иккинчи жамоадан ажралиб туриши лозим. Дарвозабон вазифасини бажарувчи ўйинчининг формасининг ранги иккала жамоа ўйинчилари ва рақиб дарвозабондан ажралиб туриши шарт (17:3).

4.8. Ўйинчилар футболкасида рақамлар орқа тарафдан камида 20 см ва олди тарафдан камида 10 см дан иборат бўлади. 1 дан 20 гача рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Рақамларнинг ранги футболка рангидан яққол ажралиб туриши шарт.

Жамоа сардорининг тирсақдан юқори қисмида, эни 4 см сардорликни белгиловчи боғичи бўлиб, унинг ранги футболка рангидан ажралиб туриши лозим.

4.9. Барча ўйинчилар оёғида спорт пойафзали булиши шарт.

Ўйинчиларга хавф туғдирадиган анжомлардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Масалан, уларга бошни ҳимоялояни, юз учун никоб, ҳимоясиз кўзойнак, шунингдек, жароҳатла нишга олиб келувчи бошқа буюмлар (17:3).

Юмшоқ эластик материалдан иҳчам бош боғичидан фойдаланишга рухсат берилади.

Юқорида қайд этилган шартларга риоя қилмаган ўйинчилар ўйинга қўйилмайди.

4.10. Ўйинчи танжароҳат олгани сабабли бадани ва кийимлари қон бўлса, у ҳолда ўйинчи дарҳол ўйин майдонини тарқ этиши лозим (ўйинчи алмаштириш қоидасига риоя қилиб). Шунингдек, қон оқишини тўхтатиб, жароҳатта ишлов бериб, бадан ва кийимдаги қонни тозалайди. Юқоридаги кўрсатилган шартларни бажармагунча ўйинчи майдонга қайтарилмайди.

Агар ўйинчи, ҳакамлар томонидан кўрсатилган талабларни бажармаса, у ҳолда унинг ҳулқи спортчига хос эмас деб хисобланади (8:4, 16:1 д ва 16:3 б).

4.11. Агар ўйинчи жароҳат олса, ҳакамлар томонидан (№16 ва 17 ишоралардан фойдаланиб) тайм-аут вақтда жароҳат олган ўйинчи жамоасининг икки шахсига ёрдам бериш мақсадида майдонта чиқишига рухсат беради (4:2, 16:1 д, 16:6 б).

## **Қоида 5. Дарвозабон**

### **Дарвозабонга рухсат этилади:**

5.1. Дарвозабон майдончасида бутун ўйин жараёнида гавданинг барча қисмлари билан тўпга тегитшга;

5.2. Дарвоза майдончаси ичида тўп билан майдон ўйинчилари қоидаларига риоя қилимасдан ҳаракат қилишига (7:2-4, 7:7 қоида) аммо, дарвозабон томонидан тўпни узатишни кечиктиришига рухсат берилмайди (6:5, 12:2 ва 15:3 б);

5.3. Тўпсиз дарвоза майдонига чиқиб ва майдонда ўйинда иштирок этиш, у ҳолда дарвозабон майдон ўйинчилари умумий қоидаларига риоя қиласди;

Дарвозабон гавданинг ҳар бир қисми билан дарвоза майдончаси чизигини кесиб ўтса, у ҳолда дарвозабон дарвоза майдончасидан чиқди деб ҳисобланади;

5.4. Дарвоза майдонидан чиқиб тўп билан ўйнаши мумкин, агар у томонидан дарвоза майдончасида тўп унинг назоратида бўлмаса.

### **Дарвозабонга рухсат этилмайди:**

5.5. Дарвозани ҳимоя қилиш жараёнида рақибларга хавф туғдириш;

5.6. Ўзининг назоратида бўлган тўп билан дарвоза майдончасидан чиқиши (13:1 а);

5.7. Дарвозабон томонидан майдонга ташланган тўпга бошқа ўйинчилар тегмасдан, дарвозабон яна тўпга тегиши маън этилади (13:1 а);

5.8. Дарвоза майдонида туриб майдонда ётган ёки думалаб кетаётган тўпга тегиши (13:1 а);

5.9. Майдонда ётган ёки думалаб кетаётган тўпни дарвазабон майдонига олиб кириш (13:1 а);

5.10. Ўйин майдонидан тўпни олиб дарвоза майдонига қайтиш (13:1 а);

5.11. Дарвоза ўйин майдонида ётган ёки ўйин майдони томон думалаб кетаётган тўпга товон ёки оёқнинг тиззадан паст қисми билан тегиш (13:1 а);

5.12. Рақиб томонидан 7 метрлик жаримани бажаришда тўп ўйинчининг қўлидан чиқмасдан аввал 4 метрлик масофани белгиловчи чизикдан ўтиш (14:9).

#### **Қоида 6. Дарвоза майдони**

6.1. Дарвоза майдонида фақат дарвазабон булиши мумкин (аммо, 6:3 қаранг). Майдон ўйинчиси гавданинг ҳар қанақа қисми билан дарвоза майдонини белгиловчи чизикдан ўтса, у ҳолда ўйинчи дарвоза майдонига кирган деб ҳисобланади.

6.2. Агар майдон ўйинчиси дарвоза майдони чизигини босган бўлса, қўйидагича ҳал қилиниши лозим:

а) тўп билан майдон ўйинчиси дарвоза майдони чизигини босса, эркин тўп ташлаш (13:1 а);

б) майдон ўйинчиси тўпсиз дарвоза майдони чизигини босиб ўз фойдасига устунлик яратса, эркин тўп ташлаш (13:1 а-б қаранг, аммо 6:2 с);

в) агар майдон ўйинчиси дарвоза майдонига кириб, яққол дарвозани ишғол қилиш имкониятини тўхтатса, 7 метрлик жарима тўп отиш белгиланади (14:1 а).

6.3. Дарвоза майдонидан фойдаланиш жазоланмайди, агар:

а) ўйинчи түп узатишидан сүнг дарвоза майдони чизигини босса, шунингдек, бу ҳолат рақиб устунлигини йўқотишга олиб келмаса;

б) ўйинчи тўпсиз дарвоза майдонига кирса ва бу ҳаракат натижасида ўзига устунликни яратмаса;

в) ҳимоячилар ҳимоя ҳаракатларини бажариш жараёнида дарвоза майдонига кириб кетса, аммо бу ҳолатда рақиб устунлитини йўқотишга олиб келмаса.

6.4. Дарвоза майдонидаги тўп эгаси фақат дарвозабондир.

Агар тўп дарвоза майдонида ёки дарвоза майдонида думалаб кетаётган ва дарвозабон қўлида бўлса, майдон ўйинчиси унга тегиши мутлоқ маън этилади (13:1 а-б). Аммо, агар тўп дарвоза майдони устида ҳавода бўлса, у ҳолда тўп билан ўйнашга рухсат берилади (фақат дарвозабон тўп узатиши ҳаракатини бажариш вақтидан ташқари 12:2).

6.5. Агар тўп дарвоза майдонига тушса, у ҳолда дарвозабон тўпни (12) ўйинга қайтаради.

6.6. Ўйин давом эттирилади, агар ҳимоядаги ўйинчилар ҳимоя жараёнида тўпга теккандан сўнг дарвозабон уни эгалласа ёки тўп дарвоза майдонида қолса, дарвозабон (6:5) қоидага биноан уни ўйинга қайтаради.

6.7. Ҳимоячилардан ўз дарвоза майдонига тушган тўп куйидагича ифодаланади:

а) тўп дарвозага тушса – гол;

б) агар тўп дарвоза майдонида қолса ёки дарвозабон тўпга тесса ва тўп дарвозага кирмаса – әркин тўп ташлаш (13:1 б);

в) тўп майдоннинг ён чизигидан чиқиб кетса – ён чизикдан тўп ташлаш (11:1);

г) агар тўп дарвоза майдонини кесиб ўтиб, ўйин майдонига қайтса – ўйин давом эттирилади.

6.8. Дарвоза майдонидан ўйин майдонига қайтгап тўйи – ўйинда деб ҳисобланади.

### Қоида 7. Тўп билан ўйнаш. Суст ўйин

#### *Tўп билан ўйнаш*

Рухсат этилади:

7.1. Отиш, илиш, тўхтатиш, узатиш, қўл панжаларининг ичкари ва ташқари томонлари билан, бош, гавда ва тиззадаи юқори қисмида.

7.2. Ўйинчи тўпни З сониядан ортиқ ушлаши мумкин эмас, ҳатто у майдонда ётган бўлса ҳам (13:1 а).

7.3. Тўп билан З қадамдан ортиқ юриш (13:1 а) қуийдаги ҳолатларда қадам қилинди ҳисобланади:

а) тўп билан турган ўйинчи бир оёғини ердан кўтариб яна қўйса, ёки оёғини бир жойдан иккинчи жойга қўйиб ҳаракат қилса;

б) ўйинчи бир оёқда туриб тўпни илиб сўнгра иккинчи оёғини ерга қўйса;

в) ўйинчи сакрагандан сўнг бир оёғида ерга тушса, сўнгра яна шу оёқда сакраса ёки иккинчи оёғини ерга қўйса;

г) ўйинчи сакрагандан сўнг икки оёқ билан бир вақтда ерга тушса ва шундан сўнг бир оёғини ердан кўтариб, яна ерга қўйса ёки бир оёғини бир жойдан иккинчи жойга силжитса.

Изоҳ: ўйинчи бир оёғини бир жойдан иккинчи жойга қўйса, иккинчи оёғини биринчи оёқ ёнига қўйса, у ҳолда ўйинчи бир қадам қилган ҳисобланади.

7.4. Статик ҳолатда ёки ҳаракатда:

а) тўпни ерга бир марта уриб ва яна уни бир ёки икки қўллаб илиб олиш;

б) бир құллаб түпни күп маротаба ерга уриб олиб юриш (дриблинг) ёки түпни күп маротаба бир құллаб ерда думалатиб сүнгра бир ёки иккى құллаб уни олиш;

в) түпни бир ёки иккى құллаб олғандан сүнг, уни уч қадамдан ортиқ ҳаракат қилмасдан ёки дархол З сонияда шерилларига узатиш зарур (13:1 а);

г) түп бошқа ўйинчига ёки дарвозага тегиб қайтгандан сүнг, ўйинчи яна түп билан муомала қилади (дриблинг ёки уни олиб юриш).

7.5. Бир құлдан иккінчи құлга ұтказиши.

7.6. Тиззада туриб, ұтириб ёки ёттан ҳолда түп билан ўйнаш.

#### **Рухсат этилмайды:**

7.7. Бир мартадан ортиқ түпга тегиши (бошқа ўйинчига, дарвозага ёки ерга тегмасдан аввал, 13:1 а).

7.8. Оёқнинг тиззадан паст қисми билан түпга тегиши, рақиб ўйинчилари томондан оёқга түп ташлаш ҳолати ҳисобга олинмайды (13:1 а-в).

7.9. Ўйин майдонида турган ҳакамларга түп тегса ўйин давом этаверади.

#### ***Сүст ўйин***

7.10. Жамоага дарвозани ишғол қилишінде ҳаракат қилмасдан түпни ушлаб туришига рухсат этилмайды (№4 иловага қаранг). Бундай ҳолат суст ўйин деб баҳоланади, натижада жамоа әркин түп ташлаш билан жазоланади (13:1 а).

Әркин түп ташлаш ўйин тұхтатилған жойдан бажарылади.

7.11. Агар суст ўйин имкониятидан фойдаланиш қайд этилса, у ҳолда огоҳлантириш ишораси (Жест №18) дан фойдаланилади. Тўпни эгаллаган жамоага эса, ўйинда ҳужум қилиш услубини ўзгартирисга имконият берилади. Агар жамоа ҳужум ҳаракатларини огоҳлантиришдан сўнг ўзгартирмаса ва дарвозага тўп отилмаса, у ҳолда тўп эгаллаган жамоага қарши эркин тўп ташлаш белгиланади (№ 4 туширишга қаранг).

Тўпга эга бўлган жамоани эркин тўп ташлаш билан жазоланиш ҳаракатини аниқлашда ҳакамлар огоҳлантириш ишорасини қўлламаслиги ҳам мумкин. Масалан, ўйинчи яққол дарвозани олиши имкониятидан атайлаб фойдаланмаслиги мумкин.

#### **Қоида 8. Қоидани бузиш ва спортчига хос бўлмаган хулқ**

##### **Рұхсат этилади:**

- 8.1. а) тўпни эгаллаш ва тўсиш учун қўл ва панжалардан фойдаланиш;
- б) рақибнинг ҳар томонидан тўпни тушуриш учун очик панжадан фойдаланиш;
- в) рақибга тўсиқ қўйиш учун гавдадан фойдаланиш, ҳатто у тўпни эгаллаган бўлмаса ҳам;
- г) рақиб ҳаракатларини назорат қилиш учун уни олдидан қўл билан тўхтатиш ва ушлаб қолиш.

##### **Рұхсат этилмайди:**

- 8.2. а) рақиб қўлидан тўпни юлиб олиш ёки уриб тушуриш;
- б) қўл ва оёқ билан рақибни силжитиш;
- в) ушлаб қолиш, туртмок, рақиб устига сақрамоқ;
- г) ўйин қоидасини бузиб рақиб ҳаракатларига хавф тудириувчи ҳаракатлар қилиш.

8.3. Ҳар бир тобора ўсиб борувчи (прогрессив) қоида бузишни шахсий жазони, яъни огоҳлантириш (16:1 б) ва жазо даражасини кучайтиришини талаб этади (16:3 в ва 16:6 д).

Огоҳлантириш ва ўйиндан четлатишда, шунингдек, жазо даражаси кучайтирилади.

8.4. Рақибларга нисбатан норозиликни жисмоний ва сўз билан ифода қилинса, бу спортчига хос бўлмаган ҳулқ деб ҳисобланади (масалан, тушунтириш № 5 қаранг). Бу ҳолат майдон ўйинчилари ва шунингдек расмий шахсларга тааллуқлидир (улар майдондами ёки майдон ташқарисидами фарқи ийќ). Спортчига хос бўлмаган ҳулқни жазолашда, шунингдек тобора ўсиб борувчи (прогрессив) жазо қўлланилади (16:1 д, 16:3 в-г ва 16:6 б-ж).

8.5. Ўйинчи ўз ҳаракати билан рақиб соғлигига хавф туғдирса, албатта дисквалификация қилиниши шарт (16:6 в). Булар қуйидагича ифодаланади:

а) дарвозага тўп отаётган ёки тўп узатаётган ўйинчига қарши орқасидан, ёнидан қўл билан уришни қўлланса;

б) рақиб ўйинчисининг бошига ёки бўйни атрофига уришни қўллаб қилинган ҳар қандай ҳаракат;

в) рақиб гавдасини атайлаб тизза ёки оёқ билан тепса, бошқа ҳар қандай зарбалар, шунингдек, чалишлар ҳам шулар жумласига киради;

г) ҳимоячи олдинга ҳаракат қилмай жойида турган ҳолатида, ўйинчи эркин тўп ташлашда ёки дарвозага отилган тўп ҳимоячини бошига тегса, шунингдек 7 метрли жарима отишда тўп дарвозабон бошига тегса, аммо дарвозабон олдинга ҳаракат қилмаган бўлса.

8.6. Ўйинчи ўйин вақтида рақибига нисбатан жисмоний зўрлик қиласа, дарҳол ўйиндан четлашилиши шарт (16:9-11). Ўйин майдонидан ташқари ҳолатида ўйинчига қилин-

ган хужум (зўрлик) дисквалификацияга олиб келади (16:6 е, 16:13 б-д). Зўрлик қилишда айбланган жамоа вакили дарҳол дисквали-фикация қилиниши шарт (16:6 f).

Эслатма: бу ҳолатда бошқа шахсга нисбатан жисмоний зўрлик (ўйинчига, ҳакамга, секундометристга, секретарга, жамоа расмий вакилга, делегатта, муҳлисларга ва ҳ.к.) миқдори аниқланади. Бошқа сўз билан айтганда, бу оддий ножӯя ҳаракат реакцияси ёки лоқайдлик, ҳаддан ташқари ҳаяжондан сўнг бошқа шахсга нисбатан қасдлик муносабатни намоён қилиш – жисмоний зўрлик ҳисобланади.

8.7. 8:2-6 қоидаларининг бузилиши рақиб жамоаси дарвозасига 7 метрик жаримага олиб келади (14:1), агар қоида бузилиши, тўғри ёки бевосита ўйин тўхтатилиши ёки рақиблар томонидан яққол дарвоза олиниши юзага келса.

Акс ҳолда қоида бузилиши рақиблар жамоаси томон эркин тўп ташлашга олиб келади (131 а-б шунингдек, 13:2 ва 13:3 қоидасига қаранг).

#### **Қоида 9. Дарвоза олиниши (ишғол этилиши)**

9.1. Дарвозага тўп киритилса гол ҳисобланади, агар тўп ўз айланаси билан дарвоза устунлари ўртасидаги чизик қалинлигидан тўла ўтса (4-расмга қаранг), факат дарвозага тўп отаётган ўйинчи ёки жамоанинг бошқа вакили томонидан қоида бузилишига йўл қўйилмаса, майдон чизигини назорат қилувчи ҳакам икки қисқа хуштак ва №12 жест кўрсатиб, гол бўлганини кўрсатади.

Тўп дарвозага отилган учинц палласида, ҳатто ҳимоячи ўйинчилар томонидан қоида бузилишига йўл қўйилса ҳам, дарвозага киритилган тўп – гол ҳисобланади.

Тўп дарвоза чизигидан тўла ўтмасдан ҳакам ёки секундометрист ўйинни тўхтатса – гол ҳисобланмайди.


Агар ўйинчи ўз дарвозасига түп киритса, рақиб жамоасига гол ҳисобланади, фақат дарвозабон түп отишни бажариш ҳолатидан бошқа (12:2, 2-сатр боши).

**Изоҳ:** агар кимдир ўйинда иштирок этмаётган (томушабин ва ҳ.к.) тўпнинг дарвозага киришига йўл қўймаса, ҳакамлар тўп дарвозага киритилиши шубҳасиз деб хисобласа – гол ҳисобланади.

**9.2. Ҳисобланган гол ҳеч қачон бекор этилмайди,** агар ҳакам ўрта чизиқдан ўйинни давом эттириш учун хуштак берган бўлса.

**Эслатма:** электр таблодаги ҳисоб ҳакамлар томонидан гол ҳисобланганидан сўнг, дархол ўзгартириш лозим.

**9.3. Сон жиҳатидан кўп гол киритган жамоа ғолиб деб эълон қилинади.** Ўйин дурранг натижа билан тугаган ҳисобланади, агар жамоалар томонидан киритилган голлар сони бир хил бўлса ёки жамоалар томонидан битта ҳам тўп киритилмаган бўлса (қоида 2:2 га қаранг).



4-расм. Дарвазанинг ишғол қилиниши

## Қоида 10. Дастреки түп ташлаш

10.1. Дастреки түп ташлашни, қуръа ташлаганда голиб бўлган жамоа ўйинни бошлайди. Агар қуръа ташланганда ютган жамоа дарвозани танласа, у ҳолда бевосита рақиб жамоа дастреки түп ташлаш билан ўйинни бошлайди.

Жамоалар ўйиннинг биринчи ярмидан сўнг дарвозалар алмаштиради. Дастреки түп ташлашни ўйиннинг иккинчи ярмида бу ҳукукни ўйин бошида эга бўлмаган жамоа томонидан бажарилади.

Ҳар доим ўйинга қўшимча вақт белгиланганда юқорида кўрсатилган тавсия асосида қуръа ташланади (10.1.).

10.2. Ҳар доим ўйин дарвоза ишғол қилинганидан сўнг дарвазасига гол киритган жамоа ўйинчилари томонидан дастреки түп ташлаш билан бошланади (қоида 9:2, 2 қаранг).

10.3. Дастреки түп ташлаш ўйин майдонининг марказидан ҳар хил йўналишида (томонлар таҳминан 1,5 м) бажарилиши мумкин. У ҳакам хуштагидан сўнг 3 сонияда бажарилиши шарт (13:1 а). Дастреки түп ташлашни бажараётган ўйинчи қўлидан тўпни чиқармагунга қадар, бир оёги билан марказ чизигида бўлиши лозим (13:1, шунингдек, № 7 тушунтиришга қаранг).

Дастреки түп ташлашни бажарувчи жамоа ўйинчилари хуштакка қадар марказий чизикдан ўтишга рухсат этилмайди (15:1, 2 ва 3-сатрга қаранг).

10.4. Ҳар бир тайм бошланишида (ўйиннинг қўшимча вақтидаги таймлар) барча ўйинчилар ўйин майдонининг ўзига қарашли ярмида бўлиши шарт.

Аммо дарвоза олингандан сўнг ҳужумдаги жамоа ўйинчилари ўйин майдонининг ҳар иккала қисмида қолиши мумкин.

Ҳар иккала ҳолда дастлабки түп ташлашни бажараётган ўйинчига рақиб жамоаси ўйинчилари 3 метр масофадан яқин келишлари ман этилади (15:7).

### Қоида 11. Ён чизиқдан түпни ташлаш

11.1. Агар түп тұла ён чизиқдан ёки ҳимояда үтәётган жамоа ўйинчиларидан тегиб ён чизиқдан үтиб кетса, ён чизиқдан түп ташлаш белгиланади.

11.2. Ён чизиқдан түп ташлаш ҳакам хуштатисиз (15:3 б) түп чиқиб кетищдан олдин түпга тегмаган жамоа ўйинчилари томонидан бажарилади.

11.3. Ён чизиқдан түп ташлаш түпнинг ён чизиқдан чиқиб кеттеган жойидан ёки у юза чизиқдан үтиб кетса, у ҳолда юза ва ён чизиқнинг түп чиққан тарафидаги құшилған жойидан ўйинга киритилади.

11.4. Түп ташлашни бажараётган ўйинчи түпни құлдан чиқаргунга қадар бир оёғи билан ён чизиқни босиб туриши шарт. Лекин ўйинчи түпни ерга қўйиб, яна олиши ёки түпни ерга уриб яна уни олишга рухсат берилмайди.

11.5. Ён чизиқдан түп ташлашни бажарувчи ўйинчига рақиб жамоа ўйинчилари 3 метрдан яқин келишларига рухсат берилмайди.

Ён чизиқдан түп ташлаш бевосита ўз дарвоза майдони чизиги ёнида бўлса, ўйинчига ҳатто оралиқ масофа 3 метрдан кам бўлса ҳам туришга рухсат берилади.

### Қоида 12. Дарвазабон томонидан түп ташлаш

12.1. Дарвазабон томонидан түп ташлаш бажарилади:

агар дарвоза майдонида түпни илиб олса (6:5 қоида), шунингдек, дарвозабондан ёки рақиб жамоа ўйинчиларидан дарвоза ортига, яъни юза чизикдан ўтиб кетса.

12.2. Дарвозабон томонидан түп ташлаш яъни түпни ўйинга киритиш ҳакам хуштагисиз (15:3 б га қаранг) дарвоза майдонидан ўйин майдони томон бажарилади.

Агар дарвозабон томонидан узатилган түп дарвоза майдони чизигидан ўтса – түп ташланган ҳисобланади.

Бошқа жамоа ўйинчиларига бевосита дарвоза майдони чизиги ташқарисида туришга рухсат берилади, фақат улар түп дарвоза майдони чизигини кесиб ўтмагунча унга тегиши ман этилади.

12.3. Дарвозабон түп ташлашни бажартгандан сўнг тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан тўпга тегиши мумкин эмас (5:7, 13:1 а).

### Қоида 13. Эркин тўп ташлаш

13.1. Аслида, ҳакамлар ўйинни тўхтатиб ва узи рақиб жамоаси ўйинчилари томонидан эркин тўп тайялаб давом этиш учун қуидагиларга амал қиласди:

а) тўпга эга бўлган жамоа қоидани бузланлиги сабабли тўпни йўқотса (4:2-3, 4:5-6, 5:6-11, 6:2 а-б, 6:4, 7:2-4, 7:7-8, 7:10, 8:8, 10:3, 11:4, 12:3, 13:7-8, 14:4-7 ва 15:2-5 қоидагиларига қаранг);

б) ҳимоя қилаётган жамоа ўйинчилари томонидан бузилган қоида натижасида, тўпга эга бўлган жамоа тўпни йўқотишга олиб келса (4:2-3, 4:5-6, 6:2 б, 6:4, 6:7 б, 7:8, 8:8).

13.2. 13:1 а қоидага биноан ҳакамлар эркин тўп ташлашни белгиламайди, агар ҳужум қилаётган жамоа ўйин қоидасини бузгандан сўнг ҳимоя қилаётган жамоа дарҳол тўпни эгаллаб олса.

Шунингдек, 13:1 б қоидага биноан ҳимоя қилаёттан жамоа томонидан қилинган хатолик натижасида хужум қилаёттан жамоа ўйинчилари түпни йўқотиши ёки ўйинни давом эттира олмаслигига ҳакамлар тұла ишонч ҳосил қилмагунча ўйинни тұхтатишини тавися қилмайди.

Агар қоида бузилиши туфайли ўйинчига шахсий жазо бериш аниқланса, у ҳолда ҳакамлар дархол ўйинни тұхтатишга қарор қилишлари лозим, фақат бу ҳолат қоида бузган жамоани фойдасига ҳал бўлмаса. Акс ҳолда қоидани бузган ўйинчини жазолаш, юзага келган ҳолат якунидан сўнг амалга оширилади.

13:2 қоида 4:2-3 ёки 4:5-6 қоидалари бузилганда қўлланилмайди, чунки бундай ҳолатда секундометрист ўйинга аралашгани туфайли қоидага биноан ўйин дархол тұхтатиши керак.

13.3. Агар хатолик 13:1 қоидага биноан оддий түп ташлашта олиб келса, түп қаерда бўлмасин, ўйин хатоликка йўл қўйган жойдан давом эттирилади.

13.4. 13:1 а-б кўрсатилган қоидадан бошқа ҳолатларда, яъни ўйин тұхтатилганда ва бошқа аниқ ҳолатларда ҳатто ҳеч қанақа хатодикка йўл қўйилмаган бўлса ҳам эркин түп ташлаш белгиланади:

а) агар ўйин тұхтатилган паллада түпга эга бўлган жамоа түпга эгалик қилишни давом этади;

б) агар ҳар икки жамоа тұла эгалик қилмаса, у ҳолда ундан аввал түпга эгалик қилган жамоа эга бўлиб қолаверади;

в) түп шифтта ёки майдон устидаги бошқа бир парсаларга тегканлиги сабабли ўйин тұхтатылса, у ҳолда охирида түпга тегмаган жамоа ўйинчилари эгалик қилади.

13.5. Ҳакам хуштагига қадар түпга эгалик қилган жамоага қарши эркин түп ташлаш белгиланса, у ҳолда шу вақтда түпга

эга бўлган ўйинчи тўпни дарҳол ўша жойга қўйини шарт (16:3 е).

### Эркин тўп ташлашни бажариш

13.6. Эркин тўп ташлаш ҳакам хуштагисиз (15:3 б қаранг) одатда, хатога йўл қўйилган жойда бажарилади. Бунинг асосида истисно тариқасида қуидагилар бўлиши мумкин.

13:4 а-б қоидага кўрсатилган шароитда эркин тўп ташлашни асосан ўйин тўхтатилган жойдан ҳакам хуштагидан сўнг бажарилади.

Агар ҳакам мустақил ёки техник делегат (ЖГФ, қитъа ва миллий федерация вакили) талабига биноан, ўйинчилар ёки ҳимоя қилаётган жамоанинг масъул шахси томонидан йўл қўйилган натижасида ўйин тўхтатилса, у ҳолда оғзаки огоҳлантириш ёки шахсий жазоланади. Эркин тўп ташлаш эса ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса шу ердан бажарилади. Ҳатто бу ер хатога йўл қўйилган ердан қулай бўлса ҳам.

Агар ўйинчиларни алмаштиришда ёки ўйинчи майдонга 4:2-3, 4:5-6 қоидаларига биноан хатога йўл қўйилганда секундометрист ўйинни тўхтатиб, юқорида кўрсатилган сатрдаги қоидага амал қилиниши мумкин.

13.7. Эркин тўп ташлаш ҳуқуқига эга бўлган жамоа ўйинчиси қўлида тўп билан тўп ташлашни бажариш учун тўгри дастлабки ҳолатни танлайди, лекин у тўпни ерга қўйиб ва яна олиши ёки тўпни ерга уриб ва уни яна илиб олиши қатъиян ман этилади (13:1 а).

13.8. Эркин тўп ташлашни бажаришдан аввал ҳужум қилаётган жамоа ўйинчилари рақиблар майдони эркин тўп ташлаш чизигини босиш ёки ундан ўтиши ман қилинади (15:1).

Эркин түп ташлашни бажарилаётганида хужум жамоаси ўйинчилари дарвозабон майдони ва эркин түп ташлаш чизиги орасида бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда ҳакамлар тўғри жойлаштириб (15:1), эркин түп ташлашни хуштақдан сўнг бажаришга рухсат беради (15:3 б).

Ҳакам хуштагидан сўнг эркин түп ташлаш бажарилишида, бажараётган ўйинчи қўлидан тўп чиқмасдан аввал хужум ўйинчилари эркин түп ташлаш чизигига теска ёки ундан ўтаб кетса, у ҳолда эркин тўп ташлашни ҳимоядаги жамоа ўйинчилари томонидан бажарилади.

13.9. Эркин тўп ташлашни бажараётган ўйинчига рақиб ўйинчилари орасидаги масофа 3 метрни ташкил қилиши шарт. Аммо уларга ўз дарвоза майдони чизиги бўйлаб жойлашишга рухсат берилади.

#### **Қоида 14. 7 метрли жарима тўп отиш**

14.1. 7 метрдан жарима тўп отиш белгиланади, агар:

а) бутун майдон бўйлаб рақиб жамоаси ўйинчилари ёки масъул шахси томонидан дарвозани яққол ишғол қилиш имконияти тўхтатилса;

б) яққол гол бўлиш вазиятида таъқиқланмаган хуштак ўрин олса;

в) ўйинда иштирок этмаган қандайдир шахс томонидан яққол дарвоза олиниш имконияти барбод бўлса (9:1 қоидадан ташқари).

“Яққол дарвоза олиниш имконияти”ни белгилашни № 8 туцунтиришга қаранг.

14.2. Хужум қилаётган жамоа ўйинчиси тўп ва гавда назоратини сақлаб қолишича ҳам 14:1 а қоидасини инобатга олмай 7 метрли жарима тўп отишни белгилашга зарурият

йўқ, ҳатто ўйинчи кейинчалик яққол дарвоза олиниши имкониятини йўқотса ҳам.

Ҳакамлар 7 метрли тўп ташлаш яққол юзага келганига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунча, яъни 7 метрли тўп ташлаш ҳақиқатдан асосли ва зарур деб топилмагунга ўйинни тўхтатишга шошилмаслиги керак. Агар ҳимоячилар рухсат этилмайдиган ҳаракатлар билан қоидани бузганлигига қарамай хужум қилаётган ўйинчи дарвозани ишғол қила олса, у ҳолда бевосита 7 метрли жарима белгилашга ҳожат қолмайди. Акс ҳолда, агар ўйинчи ҳақиқатдан тўпни ёки қоида бузилиши сабабли гавдани назорат қилишни йўқотса, шунингдек, яққол дарвоза олиниши аталмиш имконияти барбод бўлса, у ҳолда 7 метрли жарима тўп ташлаш белгиланади.

14.3. Ҳакамлар 7 метрли тўп ташлашни белгилашда тайм-аут (2:2) олишлари шарт.

14.4. 7 метрдан тўп отишни бажариш майдондати ҳакам хуштагидан сўнг 3 сония ичида бажарилади (13:1 а).

14.5. 7 метрли тўп отишни бажарувчи ўйинчи қўлидан тўп чиқаргунга қадар 7 метрдан тўп отиш чизигига тегиш ёки ундан ўтиш ман этилади (13:1 а).

14.6. 7 метрли тўп отишни бажарувчи ўйинчи ёки унинг шериклари тўп рақибларига ёки дарвозага тегмасдан аввал тўпга тегиш хукуқидан маҳрум этилади (13:1 а).

14.7. 7 метрли тўп отишни бажарувчи ўйинчи жамоа аъзолари тўп отишни бажараётган ўйинчининг қўлидан тўп чиқмасдан аввал эркин тўп ташлаш чизигидан ўтишга рухсат этилмайди. Акс ҳолда, 7 метрли тўп отишни бажарувчи жамоага қарши эркин тўп ташлаш белгиланади (13:1 а).

14.8. 7 метрли тўп отишни бажаришда рақиб жамоа ўйинчилари эркин тўп ташлаш чизиги ташқарисида ва 7

метрли түп отиш чизигидан түп отишни бажараётган ўйинчининг қўлидан түп чиққунга қадар 3 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашишлари мумкин, акс ҳолда, агар түп дарвозага кирмаса 7 метрли түп отиш қайтарилади.

14.9. Агар 7 метрли түп отилган түп дарвозага кирмаса, отишни бажарувчи ўйинчи қўлидан түп чиққунга қадар дарвозабон белгиланган, яъни 4 метрли чизикдан ўтиб кетса, түп отиш қайтарилади.

14.10. 7 метрли түп отишни бажарувчи ўйинчи қўлида түп билан тўғри ҳолатни танлаб, түп отишга тайёр бўлганда дарвозабонни алмаштириш ман этилади. Бундай ҳолатда дарвозабонни алмаштириш учун қилинган ҳар қандай урининшлар, спортчига хос бўлмаган ҳулқ тариқасида жазоланади (8:4, 16:16 ва 16:3 в).

### **Қоида 15. Тўп ташлашни (дастлабки ён чизикдан дарвозабон томондан ва 7 м) бажаришга умумий тавсиялар**

15.1. Тўп отишни бажаришдан аввал тўп ўйинчининг қўлида бўлиши керак.

Барча ўйинчилар тўп отишда ўзларига тааллуқли жойда жойлашишлари шарт. Тўп отаётган ўйинчининг қўлидан тўп чиқарилишга қадар ўйинчилар ўз жойларида бўлиши лозим (фақат 10:3-2 сатрда кўрсатилган ҳолатдан ташқари).

Нотўғри жойлашган дастлабки ҳолат хакамлар томонидан тузатилиши лозим (13:8-2 сатр ва 15:7 қаранг).

15.2. Дарвозабондан ташқари барча тўп ташлашни бажарувчи ўйинчиларнинг бир оёғи доимо ёрдам бўлиши шарт (13:1 а). Иккинчи оёғини ердан кўтариб ва уни ерга қўйиши мумкин.

15.3 Ўйин давом этишга ҳакам томонидан хуштак берилади:

а) доимо дастлабки (10:3) ёки 7 метрли (14:4) түп ташлаща;

б) ён чизиқдан, дарвозадан ёки эркин түп қуидаги ҳолатларда:

- тайм-аутдан сүнг ўйинни давом этиш учун;

- 13:4 қоидага биноан эркин түп ташлашдан сүнг ўйинни давом этиш учун;

- түп ташлаш кечиктирилса;

- нотүғри ҳолатда жойлашишни тузатгандан сүнг;

- оғзаки танбеҳ ёки огохлантирилишдан сүнг.

Түп ташлашни бажарувчи ўйинчи ҳакам хуштагидан сүнг түпни 3 сония мобайнида ўйинга киритиши шарт (13:1 а).

15.4 Түп ташлашни бажарувчи ўйинчи қўлидан түп чиқса түп ташлаш бажарилган ҳисобланади (12:2 қоидага қаранг). Түп ташлашни бажаришда ўйинчи ўз шерикларига қўлдан-қўлга тўпни узатиш мумкин эмас, шериклари умуман тўпга тегишига ҳукуки йўқ (13:1 а).

15.5. Тўп ташлашни бажарувчи ўйинчи тўп ташлангандан сүнг у бошқа ўйинчига ёки дарвозага тегмасдан аввал тўпга тегиши мумкин эмас (13:1 а).

15.6. Дастлабки ён чизиқдан ёки эркин тўп ташлаща ҳимоячи жамоа ўйинчилари нотүғри жойлашганлиги туфайли ҳужум ўйинчиларига нокулайлик келтирмаса, у ҳолда ҳакамлар ҳимоячиларнинг нотүғри жойлашишни тұғирлаши шарт эмас. Агар бундай ҳолатдан ҳимоячи жамоа устунликка эга бўлса, ўйинчиларнинг жойлашиши тұғриланади (15:3 б).

Агар ҳимоядаги жамоа ўйинчиларининг бирортаси нотүғри жойлашишига қарамасдан ҳакам тўп ташлашини

б) жазоланган ўйинчи ўйин қоидасини бузиши яна тақрорласа;

в) майдонда ёки майдон ташқарисида ўйинчининг спортчига хос бўлмаган ҳулқи учун;

г) жамоанинг расмий шахсларидан бирортаси спортчига хос бўлмаган ҳулқ ҳолати тақрорланса, шунингдек, бирортаси 16:1 d (8:4) қоидасига биноан огоҳлантирилган бўлса;

д) рақиблар жамоаси эркин тўп ташлаш ҳуқуқига эга бўлганда тўпни жойида қолдириш талабларига риоя қилинмаса (13:5);

е) тўп ташлашни бажарувчи рақибга нисбатан тақорорий қоида бузилишига йўл қўйилса (15:7);

ж) ўйинчи ёки расмий шахсни ўйин вақтида дискалификация қилиниши сабабли (16:8, 2 сатр);

з) 2 дақиқага ўйиндан четлатилган ўйинчи, тўхтатилган ўйин давом этмасдан ўйинчининг спортчига хос бўлмаган ҳаракати учун (16:12).

**Изоҳ:** б, в ва г бандлар талабларига қарамай, одатда ўйиндан четлатишга қоида бузиш қайтарилса ёки спортчига хос бўлмаган ҳулқ;

Агар ҳакамлар ўйинда йўл қўйилган қоида бузиш дархол ўйиндан четлатилишига асос бўлади деб ҳисобласа, юқоридаги б, в ва г бандларни эътиборга олмасдан ўйинчини ўйиндан четлатиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолат жамоанинг расмий шахсига, ҳатто у олдин огоҳлантирилмаган бўлса ҳам қўлланилади.

Жамоанинг расмий вакилига 2 дақиқали жазо белгиланса (16:3 б), бундай ҳолатда расмий вакил ўз жойида қолиб ўз вазифасини бажаради, жамоа таркиби эса бир ўйинчига камайтирилади.

16.4. Ҳакамлар тайм-аут эълон қилингандан сўнг таалуқли жест (жест №14) икки бармоқларини тўғирлаб қўлини

бажаришга хуштак берса, у ҳолда ўйинчилар ўйинни давом этишига тұла ҳуқуқидири.

Тұп ташлашни бажараёттан ўйинчига рақиблар, яқин туриб үнга тұп ташлашни бажаришга ҳалақит қилиб, тұп ташлашни кечиктирилса ёки бошқа хатоларға йүл қўйса у огоҳлантирилади. Бу ҳолат яна қайтарылса у ўйиндан четлашилиши шарт (16:1 в ва 16:3 f).

## Қоида 16. Жазолаш

### Огоҳлантириш:

16.1. Қуйидаги ҳолатларда огоҳлантириш мумкин:

а) рақибга нисбатан (8:3 қоидадан ташқари) қоидани бузса (5:5 ва 8:2);

б) рақиб тұп ташлашни бажаришида үнга қарши қуйидагича рад ҳаракати қилинса (15:7);

в) ўйинчи ва расмий шахснинг спортчига хос бўлмаган ҳулқи (8:4).

**Изоҳ:** ҳар бир ўйинчи фақат бир марта огоҳлантирилади, жамоа эса – 3 мартадан ортиқ огоҳлантирилмайди.

2 дақиқага ўйиндан четлатилган ўйинчи, кейинчалик огоҳлантириш олиши мумкин эмас.

16.2. Айбдор ўйинчи ёки расмий шахсни огоҳлантирилганда ҳакамлар сариқ “карточка” билан қўлини юқори қўтариб огоҳлантирилади ва бу ҳолатни секретарь (секундометрист) қайд этади (жест №13, сариқ карточка ўлчами 9x12 см).

### Ўйиндан четлатиш

16.3. Ўйиндан (2 дақиқага) чиқариш қуйидаги ҳолларда кўлланилади:

а) ўйинчилар алмашиши ёки ногўғри ўйин майдонига чиқиш (4:5-6);

б) жазолаңған үйинчи үйин қоидасини бузипи яна тақрорласа;

в) майдонда ёки майдон ташқарисида үйинчининг спорчига хос бўлмаган ҳулқи учун;

г) жамоанинг расмий шахсларидан бирортаси спорчига хос бўлмаган ҳулқ ҳолати тақрорланса, шунингдек, бирортаси 16:1 d (8:4) қоидасига биноан огоҳлантирилган бўлса;

д) рақиблар жамоаси эркин тўп ташлаш ҳуқуқига эга бўлганда тўғни жойида қолдириш талабларига риоя қилинмаса (13:5);

е) тўп ташлашни бажарувчи рақибга нисбатан тақрорий қоида бузилишига йўл қўйилса (15:7);

ж) үйинчи ёки расмий шахсни үйин вақтида дисквалификация қилиниши сабабли (16:8, 2 сатр);

з) 2 дақиқага үйиндан четлатилган үйинчи, тўхтатилган үйин давом этмасдан үйинчининг спорчига хос бўлмаган ҳаракати учун (16:12).

**Изоҳ:** б, в ва г бандлар талабларига қарамай, одатда үйиндан четлатишга қоида бузиш қайтарилса ёки спорчига хос бўлмаган ҳулқ;

Агар ҳакамлар үйинда йўл қўйилган қоида бузиш дарҳол үйиндан четлатилишига асос бўлади деб ҳисобласа, юқоридаги б, в ва г бандларни эътиборга олмасдан үйинчини үйиндан четлатиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолат жамоанинг расмий шахсига, ҳатто у олдин огоҳлантирилмаган бўлса ҳам қўлланилади.

Жамоанинг расмий вакилига 2 дақиқали жазо белгиланса (16:3 б), бундай ҳолатда расмий вакил ўз жойида қолиб ўз вазифасини бажаради, жамоа таркиби эса бир үйинчига камайтирилади.

**16.4. Ҳакамлар тайм-аут эълон қилингандан сўнг таалуқли жест (жест №14) икки бармоқларини тўғирлаб қўлини**

юқори күтариб айбдор ўйинчига күрсатади, секретарь (секундометрист) бу ҳолни қайд әтади.

16.5. Ўйиндан четлаташ ҳар доим 2 дақиқали бўлиб, ушбу ўйинчини учинчи марта ўйиндан четлаташ дисквалификацияга олиб келади (16:6 g).

Ўйиндан четлатилган ўйинчи, четлатилган вақт мобайнида ўйинда иштирок этишига рухсат берилмайди. Жамоа унинг ўринига бошқа ўйинчини майдонга чиқариши ман этилади.

Ўйиндан четлаташ вақти ҳакам томонидан ўйинни давом эттиришга берилган хуштагидан сўнг бошланади.

Ўйиннинг биринчи ярмида 2 дақиқа ўйиндан четлаташ вақти тугамаса, қолган вақт ўйиннинг иккинчи ярмида ўталади. Бу қоида ўйинга қўшимча вақт белгиланганда ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

### **Дисквалификация**

16.6. Дисквалификация қилиниши шарт:

а) агар ўйинда иштирок этишига ҳуқуқи бўлмаган ўйинчи ўйин майдонига чиқса (4:3);

б) спортчига хос бўлмаган ҳолат учинчи марта қайтарилса (ёки такрорланса) ва жамоанинг масъул шахсларидан бирортаси (16:3 d, 8:4) қоидага биноан аввал 2 дақиқани ўйиндан четлаташга жазоланган бўлса;

в) рақиблар соғлиғига хавфли қоида бузарликка йўл қўйилса (8:5);

г) ўйинчи ёки жамоанинг расмий шахси томонидан ўйин майдонида ёки ўйин ташқарисида спортчига хос бўлмаган қўполлиги учун;

д) ўйиндан ташқари, шунингдек, ўйин олдидан ёки танаффус вақтида ўйинчи томонидан хужум қилинса (8:7, 16:1 б, г);

- е) масъул шахс томонидан ҳужум қилинса (8:7);
- ж) бир үйинчины учинчи марта үйиндан четлатылса (16:5);
- з) танаффус вақтида үйинчи ёки масъул шахс томонидан спортчига хос бўлмаган ҳолат такрорланса (16:3 г).

16.7. Тайм-аут эълон қилингандан сўнг ҳакамлар айбланувчи үйинчи ёки жамоа вакилини дисквалификация қилиши учун қизил карточка ёрдамида қўлини юқори кўтаради (жест №13; қизил карточка ўлчами тахминан 9x12 см). Бу ҳолатни бевосита секретар (секундометрист) қайд этади.

16.8. Дисквалификация қилинган үйинчи ёки жамоанинг расмий шахси дарҳол майдонни ва заҳира ҳудудини тарк этиши шарт. Бундан сўнг үйинчи, жамоанинг расмий шахси жамоа билан ҳеч қандай алоқада бўлишга рухсат этилмайди. Дисквалификация ҳолати үйинчи ёки жамоанинг расмий вакили учун ушбу ўтказилаётган үйин охиригача амал қилинади.

Үйинчи ёки жамоа расмий вакили үйин давомида дисквалификация қилинса, ҳар доим ўзи билан 2 дақиқали үйиндан четлатишни эргаштириб келади. Бу, жамоа таркиби сон жиҳатдан бир үйинчига қисқаради дегани (16:3 ж). Агар үйинчи 16:12 қоидага биноан дисквалификация қилинган бўлса, майдондаги үйинчилар сонининг қисқариши 4 дақиқага чўзилиши мумкин.

Үйинчи ёки жамоа вакили дисквалификация қилиниши жамоа таркибини камайишига олиб келади (16:13 ва бошқа), аммо 2 дақиқали четлатиш вақти тугаганидан сўнг үйинчилар таркибини тўлдириш мумкин.

Дисквалификация, одатда, фақат берилган үйин охиригача амал қилинади. У ҳакамлар томонидан асосли ечим қабул қилишларини талаб этади.

Үйинчи ёки мастьул шахс томонидан қўпол спортчига хос бўлмаган ҳулқ (16:6 г), хужум сабабли дисквалификация (16:6 д-е) дан бошқа ҳолатлардаги дисквалификация үйиндан сўнг ўз кучини йўқотади. Агар дисквалификация, тушунтириш №6 ат бандларига тушса, у ҳолда бундай ҳолат учрашув баённомасида қайд қилиниши лозим (17:11).

### **Ўйиндан ҳайдаш**

16.9. Ўйиндан ҳайдашга қарор қилинади:

Бутун ўйин давомида (16:13 ва 2:6) майдонда ёки майдон ташқарисида үйинчи томонидан “жисмоний зўрлик” қилиб хужум қилинса (8:7).

16.10. Ҳакамлар тайм-аут белгилагандан сўнг үйиндан ҳайдалувчи айбдор ўйинчига, юқорида икки қўли кесишган ишора ёрдамида (жест № 15) кўрсатилади, бу ҳолатни секретар (секундометрист) томонидан қайд этилади.

16.11. Ўйиндан ҳайдалиш ҳар доим ўйин вақтининг охиригача амал қиласи ва жамоа ўйинни, ўйин мобайнида бир ўйинчига кам бўлиб давом этади.

Ўйиндан ҳайдалган ўйинчи бошқа ўйинчи билан алмаштирилиши мумкин эмас ва у дарҳол ўйин майдонини, шунингдек, заҳира ҳудудини тарқ этишга мажбур. Шундан сўнг унга жамоа билан ҳар қандай алоқа қилиши ман этилади.

Ҳакамлар томонидан ўйиндан ҳайдаш ҳолати раҳбаријатга тушунтирилиб, учрашув баённомасида қайд киладилар.

### **Бир хил вазиятда бир нечта хато қилиш**

16.12. Агар жамоанинг ўйинчиси ёки мастьул вакили ўйин давом эттиришдан аввал бир вақтда бир ва ундан ортиқ қоида бузилишига йўл қўйса ва улар ҳар хил жазога лойиқ бўлса, одатда, энг қатъий жазо қўлланилади. Бундай ҳолатларда

қоида бузилишнинг ўйинчига нисбатан “жисмоний зўрлик” қилиб ҳужум қилиш ҳисобланади.

Аммо, майдондаги жамоа таркибини 4 дақиқага камайтириш ҳолатлари ҳам мавжуд:

а) агар 2 дақиқага ўйиндан четлатилган ўйинчи, ўйин давом эттирилмагунга қадар спортчига хос бўлмаган ҳулқ учун айбланса, у ҳолда унга яна қўшимча 2 дақиқалии четлатиш белгиланади (16:3h). Агар қўшимча ўйиндан четлатилиш ушбу ўйинчи учун учинчиси бўлса, унда ўйинчи дисквалификация қилинади;

б) агар дисквалификация қилинган ўйинчи (тўғридан тўғри ёки учинчи марта четлатилишга боғлиқ) ўша заҳоти, яъни ўйин давом эттирилмасдан олдин спортчига хос бўлмаган ҳулқи учун айбдор деб топилса, у ҳолда жамоага жазо белгиланади ва жамоа таркиби 4 дақиқа мобайнида майдонда қисқартирилади;

в) агар 2 дақиқага ўйиндан четлатиш эълон қилинган ўйинчи ўйин давом эттирилишидан олдин қўпол, спортчига хос бўлмаган ҳулқи учун айбланса, у ҳолда ўйинчи дисквалификация (16:6 г) қилинади. Бу барча жазолар майдонда жамоа таркибининг 4 дақиқа ичида ўйинчиларнинг қисқартирилишига олиб келади (16:8, 2);

г) агар дисквалификация эълон қилинган ўйинчи (тўғридан тўғри ёки учинчи марта четлатишга боғлиқ) ўйин давом этишига қадар қўпол, спортчига хос бўлмаган ҳулқ учун айбланса, у ҳолда жамоа ҳам жазоланади ва майдондаги жамоа таркиби 4 дақиқа мобайнида қисқартирилади.

### **Ўйин вақти тугагандан сўнг қоида бузилиши**

16.13. 16:1, 16:3, 16:6 ва 16:9 қоидаларидаги хатолар ўйин давомида йўл қўйилган хатолар жумласига киради. “Ўйин давоми” тушунчаси қўшимча вақт ва тайм-аутни ўз ичига

олади (фақат таймлар орасидаги танаффусдан ташқари 2:8 қаранг).

Спортчига хос бўлмаган ҳулқ, спортчига хос бўлмаган қўпол ҳулқ ёки ўйинчи ҳамда жамоанинг масъул шахси томонидан (ўйин ўтказилаётган иншоатда, ўйин вақти тугаганига қарамай) “жисмоний ҳужум” қуидагича жазоланади:

Ўйиндан аввал:

а) спортчига хос бўлмаган ҳулқ – огоҳлантирилади (16:1 г);

б) спортчига хос бўлмаган қўпол ҳулқ ёки “жисмоний ҳужум” учун дисквалификация қилинади (16:6 г-е), лекин жамоага ўйинни (12 ўйинчи ва 4 масъул вакил) бошлашга рұхсат берилади.

### Қоида 17. Ҳакамлар

17.1. Ҳар бир ўйинга икки тенг ҳуқуқли ҳакамлар тайинланади. Уларга секундометрист ва секретарь ёрдам беради.

17.2. Ҳакамлар ўйинчиларнинг мусобақа ўтказиш жойига келгандан то кетүнларига қадар ҳулқини назорат қиласи.

17.3. Учрашувдан аввал ҳакамлар ўйин майдони, дарвоза ва тўп ҳолатларини текшириб, қайси тўп билан ўйнашни ҳал қиласи (1 ва 3:1).

Шунингдек, ҳакамлар икки жамоанинг формаси қоидага мослигини текширади. Улар ўйинчи ва масъул вакилларнинг сон жиҳатдан заҳира ҳудудида қоида талабига биноан жойлашишини ва учрашув баённомасида жамоанинг масъул вакили дастхатлари мавжудлигини назорат қиласи. Барча камчиликлар дарҳол бартараф этилиши лозим (4:1-2 ва 4:7-9).

17.4. Ҳакамларнинг бири, иккинчиси ва икки жамоа сардори иштирокида қуръа ташлаш ўтказилади (10:1).

17.5. Ўйин бошланишидан аввал ҳакамларнинг бири дастлабки тўп ташлаш хуқуқини қўлга киритган жамоа орасида жойлашади. Бундай ҳолат “майдондаги ҳакам” деб аталади.

Майдондаги ҳакам дастлабки тўп ташлаш учун хуштак бериб ўйинни бошлайди (10:3).

Тўпга эгалик қилаётган жамоа тўпни рақибларга олдириб қўйтган заҳоти бу ҳакам дарҳол ҳимоя қилувчи жамоа дарвозасининг кесиб ўтган юза чизик ортига ўтиб жойлашади.

Иккинчи ҳакам ўйин бошланишидан аввал ўйин бошланишида ҳимоя қилувчи жамоа дарвозасини кесиб ўгувчи юза чизик ортида жойлашади. Бу ҳолат “дарвоза чизифини кузатувчи” ҳакам деб аталади. Ҳимоядаги жамоа тўпни йўқотганда у майдондаги ҳакам ҳисобланади.

Ҳакамлар ўйин давомида вақти-вақти билан майдон томонлари билан алмасиб туришлари лозим.

17.6. Одатда, бутун ўйинни тайинланган ҳакамлар ўтказишлари лозим.

Улар ўйин давомида ўйин қоидасига риоя қилишни назорат қилиб, йўл қўйилган хатолар учун дарҳол ўйинчиларни жазолайдилар (13:2 ва 14:2).

Агар ҳакамларнинг бири учрашувни тутгата олмаса, у ҳолда иккинчи ҳакам бир ўзи ўйинни давом эттиради (ЖГФ ва қитъа мусобақаларида учрайдиган бундай ҳолатда тааллуқли мусобақа Низомига биноан ечими топилади).

17.7. Агар икки ҳакам бир жамоа томонидан қоида бузилганини қайд этсада, ҳар хил фикрга эга бўлса, у ҳолда жамоани жазолашда қатъийроғи қўлланилади.

17.8. Агар икки ҳакам хатога йўл қўйилганини қайд этса, ёки тўп ўйин майдонини чиқиб кетганда ҳакамлар, тўпни қайси жамоа ўйинга киритиши тўғрисида ҳар хил фикрга эга

бўлса, у ҳолда улар дарҳол биргаликда маслаҳатлашиб бир ечимни қабул қиласи. Агар улар бир ечимга қилаолмаса, у ҳолда майдондаги ҳакам ечими қўлланилади. Бундай ҳолатда тайм-аут шарт. Ҳакамлар бир-бири билан маслаҳатлашиб олгандан сўнг керакли жест қўрсатилиб хуштақдан сўнг ўйин давом эттирилади (2:8 е, 15:3 б).

17.9. Голлар ҳисобига иккала ҳакам баровар жавобгардир.

Ундан ташқари, улар огоҳлантириш, четлатиш, дисквалификация ва умуман ўйиндан ҳайдалишлари ҳам қайд этадилар.

17.10. Икки ҳакам ўйин вақтини назорат қилишга жавобгар. Вақтни тўғрилигини белгилашдаги келишмовчиликларни ҳакамлар биргаликда ҳал қилишади (шунингдек, 2:3 қоидага қаранг).

17.11. Ўйиндан сўнг баённомани тўғри тўлдирилишига жавобгарлик ҳакамлар зиммасига юклатилади.

Ўйиндан ҳайдаш (16:11) ва дисквалификация (16:8 қоида, 4 сатр) баённомада қайд этилиши шарт.

17.12. “Далил”ларга асосланиб ёки ҳодисани баҳолаш асосида ҳакамлар томонидан қабул қилинган ечим – қатъий қарор ҳисобланади.

Агар қабул қилинган қарор қоидага зид бўлса, у ҳолда ёзма равищда норозилик билдириши мумкин.

Ҳакамларга ўйин давомида фақат жамоага тааллуқли расмий вакил мурожаат қилишга ҳукуқлиидир.

17.13. Ҳакамларга ўйинни вақтида тўхтатиш ёки умуман тўхтатиш ҳукуқи берилади.

Ўйинни умуман тўхтатишга қарор қилишдан аввал, уни давом эттириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

## **Қоида 18. Секундометрист ва секретар (вақт белгиловчи ҳакам, котиб)**

**18.1.** Одатда, секундометрист үйин вақтини, тайм-аутни ва четлатилган үйинчи жарима вақтини назорат қиласы.

Шундай қилиб секретар асосан үйинчилар рүйхатини текшириб, учрашув баённомасини юргизади, үйинга чиқуучи үйинчи кеч қолиб келган ва үйнашга ҳуқуқи бўлмаган үйинчиларни назорат қиласы.

Жамоа захира ҳудудидаги үйинчи ва расмий шахсларнинг миқдорини үйинга кириши ва чиқишилирини, шунингдек, биргаликда масъулияtlарни тақсимлаб назорат қиласы.

Одатда, зарурият бўлганда фақат секундометрист үйинни тўхтатиши мумкин (шунингдек, тушунтириш № 9 қаранг).

**18.2.** Вақт кўрсатувчи электр табло йўқ бўлган ҳолда, секундометрист жамоалар масъул шахсларига, үйналган вақт ёки үйин тугашига қолган вақт, айниқса, тайм-аут вақтида ахборот бериб туриши лозим.

Агар, автоматлашган электр сигнал бўлмаган ҳолатда үйиннинг биринчи тайми ва үйин тугаганилиги учун бериладиган сигнал жавобгарлигини секундометрист ўз зиммасига олади (2:3 қоидага қаранг).

Агар электр табло, шунингдек, үйиндан четлатиш тўғрисида ахборот бера олмаса, бундай ҳолатда секундометрист олдиндан тайёрланган карточка четлатилган үйинчи рақамини ва четлатиш вақти тугашини кўрсатади.

### **Ҳакамлик жестлари**

Эркин тўп ёки ён чизиқдан тўп ташлашни белгилашда ҳакамлар дарҳол тўп ташлаш йўналишини кўрсатувчи жестни кўрсатиш лозим (7 ёки 9 жест).

Агар шунга зарурият туғилса, ҳакамлар албатта жестдан фойдаланиши лозим (яғни, үйинчига шахсий жазо белгилашда 13-15 жестлар).

Агар әркин түп ташлаш ёки 7 метрли жарима түп ташлаш белгилаш сабабли тушунарли бўлиши учун 1-6 ва 11 жестларни қўллаш мақсадга мувофиқдир (аммо, 11 жест суст үйин жести (18) учун әркин түп ташлаш ҳолатларида доим қўлланилади).

Зарур шароитда албатта 12, 16 ва 17 жестлар қўлланилади.

Ҳакамлар зарур деб ҳисоблаганда 8, 10 ва 18 жестлардан фойдаланади.

### **Жестлар кўриниши:**

1. Дарвоза майдони чизифидан ўтиш (босиш).
2. Тўпни ерга уриб олиб юришдаги хато



3. Түп билан 3 қадамдан ортиқ  
юриш ёки тұпға 3 сониядан  
ортиқ әгалик қилиш



4. Ушлаб қолиши ёки  
итарib юбориш



5. Зарба



6. Хужумчи хатоси



7. Ён чизикдан түп ташлаш тарафини күрсатиши.



8. Дарвозабоннинг түп ташлаши



9. Эркин түп ташлаш тарафини күрсатиши



10. З метрли масофага риоя қилмаслик



11. Суст ўйин



12. Гол



13. Огоҳлантириш(сариқ карточка). Дисквалификация  
(қызил карточка)



14. Четлатиш (2 дақиқа).



15. Ўйиндан умуман четдатиш



16. Тайм-аут



17. Жамоанинг икки масъул шахсларга тайм-аут вақтида майдонга чиқишига руҳсат бериш



18. Суст ўйинни огоҳлантириш



## II БҮЛІМ. ЎЙИН ҚОИДАЛАРИНИ ҮРГАНИШ УЧУН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

### 1. Финал сиренасидан сүнг бажариладиган әркин түп ташлаш

Финал сиренасидан сүнг әркин түп ташлаш бажариш күп ҳолларда жамоа учун дарвоза олиниши муаммоси қизиқтирамайды. Аксинча, үйин натижаси маълум ёки әркин түп ташлаш жойи рақиб дарвазасидан анча йироқ бұлған ҳолларда. Лекин әркин түп ташлаш қоида талабига биноан бажарилиши шарт, унга ҳакамлар түп ташлаш имкониятини яратиб бериши керак, түп отишни бажарувчи үйинчи уни ташлаб юбориши ёки ҳакамлар құлига бериши мүмкін.

Жамоа түпни дарвозага киритишга ҳаракат қилиши аниқ бұлған ҳолатларда, ҳакамлар бу учун барча шароит яратиб беришлари лозим, лекин бундай ҳолат үйинни сусайтирилиши ва унинг манзарасининг ёмонлашишига олиб келмаслиги керак. Бунда ҳакамлар иккала жамоа үйинчиларига кечиктиремай тез ва хатосиз әркин түп ташлашни бажариш дастлабки ҳолатда туриш учун шароит яратиб беради.

Түп ташлашни бажарувчи жамоанинг фақат бир үйинчиси түп билан бўлишини назорат қилиши зарур. Бундай ҳолатда үйинчилар алмаштирилиши мустақил амалга оширилади, лекин ҳакамлар үйинчиларни алмаштириш сабабли түп ташлашни бажариш учун бериладиган хуштакни кечиктириши шарт эмас.

Шунингдек, ҳакамлар иккала жамоа томонидан қоида бузилмаслигини жуда аниқ кўрсатишилари лозим. Ҳимоядаги жамоа үйинчиларини жазолаш 15:7, 16:1 в, 16:3 е қоидаларида кўрсатилган. Шунингдек ҳужумдаги жамоа үйинчилари ҳам қоида бузилишларга йўл қўяди, масалан, түп ташлапта хуштак берилиб лекин түп ташлашни бажармасдан аввал бир

ёки бир нечта ўйинчилар эркин тўп ташлаш чизигидан ўтиб кетадилар (13:8, 3 сатр). Ёки тўп ташлашни бажарувчи ўйинчи ҳаракат қиласи ёки сакраб тўп отишни бажаради (15:2). Хатолик билан гол ҳисобланмаслик учун бундай қоида бузилишларни дарҳол қайд этилиши лозим.

## 2. Тайм-аут

2:8 қоидада тайм-аут албатта олишишита кераклигига қарамай айрим ҳолатларда ҳакамларга, бошқа ҳолатларда тайм-аут белгилаш имконияти яратилади. Тайм-аут олиниши шарт бўлмаган ҳолатлар ҳам учраб туради, лекин қуийдаги шароитларда у ўз ғоясини сақлаб қолади:

- а) ташқи муҳит сабаб, масалан, майдонни тозалаш зарурлигида;
- б) ўйинчи жароҳат олганда;
- в) жамоа томонидан атайлаб ўйин суръатини секинлаштирганда. Масалан, жамоа стандарт тўп ташлашни бажарилишини кечиктирса, ўйинчи атайлаб тўпни бошқа тарафга ташласа ёки уни узоқ ушлаб турса;
- г) агар тўп майдон устида залнинг шифтига ёки бошқа нарсаларга тетса (13:4 в) ва эркин тўп ташлаш жойдан тўп узоқроқ масофага сапчиш кетиб ўйин сусайиш холати юзага келса.

Тайм-аут олишга ва шунингдек бошқа ҳолатларни қайд этишга қарор қилишдан аввал, ҳакамлар аввалом бор бу ҳолатларни тўгри баҳолашлари, яъни ўйинни тўхтатиш бирорта жамоага устунлик бермаслиги учун. Масалан, агар ўйин сусайтиришидан ушбу жамоа рағбатлантириладиган бўлса, унда майдонни тозалаш учун тайм-аут олишга зарурият қолмайди. Агар жамоага қандайдир сабаб билан тайм-аут

берилганда бошқа жамоа устунликни йўқотадиган бўлса бундай ҳолатда ҳам тайм-аут олишга зарурият қолмайди.

Танаффуснинг чўзилиши ҳам бошқа муҳим омил ҳисобланади. Жароҳат натижасида танаффуснинг чўзилишини баҳолаш қийин бўлганлиги учун тайм-аут бериш мақсадга муюфиқдир. Шунингдек, ҳакамлар тўп майдондан чиқиб кетганда тайм-аут беришга қарор қилишга шошилмасликлари лозим. Кўпинча бундай ҳолатларда тўп майдонга қайтиб ўйин секинлашишига ўрин қолмайди. Агар тўпни майдонга қайта-ришмаса, унда ҳакамлар тайм-аут олишга зарурият бўлмаслиги учун дарҳол заҳирадаги тўпдан (3:4) фойдаланишлари лозим.

### 3. Жамоавий тайм-аут (2:10)

Ҳар бир жамоа ўйиннинг асосий вақтини ҳар бир таймда бир дақиқали тайм-аут олишга ҳақидидир (аммо, бу хукуқ ўйиннинг қўшимча вақтида берилмайди).

Агар жамоа тайм-аут олишга қарор қиласа уларнинг вакили секундометрист жойлашган столга “яшил карточка” ни қўйиши лозим (“яшил карточка” 15x20 см бўлиб унинг ҳар тарафида катта “T” ҳарфи ифодаланган бўлиши тавсия этилади).

Жамоа тайм-аутни ўzlари тўпга эгалик қилганда талаб қилиши мумкин (тўп ўйинда бўлган ҳолатда ёки ўйиннинг танаффус вақтида). Агар жамоа секундометрист сигналигача тўпни назорат қилишни йўқотмаса, у ҳолда уларга дарҳол жамоавий тайм-аут берилади (акс ҳолда жамоага “яшил карточка” қайтарилади).

Шундан сўнг, секундометрист ўйинни тўхтатишга хуштак бериб, тайм-аут жестидан (№ 16) фойдаланиб ва тайм-аут сўраган жамоа тарафига қўлини чўзиб кўрсатади (залдаги

шовқин ва бошқа тартибсизлик туфайли зарурият бўлса бу ҳолатни ўриндан туриб кўрсатиши мумкин). “Яшил карточка” столини тайм-аут сўраган жамоа тарафига қўйилади ва шу ҳолатда тайм-аут вақти тугагунча қолади.

Тайм-аут берилгандан сўнг секундометрист вақтни тўхтатади. Сўнг ҳакамлар жамоа тайм-аутини тасдиқлайди ва секундометрист жамоа тайм-аут вақтини назорат қилувчи бошқа соатни юргизади. Секретар жамоавий тайм-аут олинган вақти баёниомада ўша жамоага тегишли катақда қайд қилиб қўяди.

Жамоавий тайм-аут олинганда ўйинчилар ва расмий шахслар ўз жамоасига тегишли ўйин майдонида бевосита, ўйинчилар алмаштириш ҳудудида бўлишлари лозим. Ҳакамлар майдон марказида бўлишади, лекин ҳакамларнинг бири кенгашиб учун секундометрист ёнига келиб кетиши мумкин.

Бундай ҳолатда ўйинчилар майдонда ёки майдон ташқарисида бўлишларига қарамай 8:4 ва 16:3 в қоидаларига биноан спортчига хос бўлмаган ҳулқи учун ўйиндан четлатилиши мумкин.

50 сониядан сўнг секундометрист товуш сигналини беради, шундан сўнг 10 сониядан кейин ўйин давом эттирилиши шарт.

Жамоавий тайм-аут тугаши билан жамоа дарҳол ўйинни давом эттириши лозим.

Ўйинни давом эттириш, тайм-аут берилган вақтда ўйин тўхтатилаган ҳакамга боғлиқ бўлиб, ўша жойдан тайм-аут олган жамоа томонидан эркин тўп ташлаш билан ўйин давом эттирилади.

Ҳакам хуштагидан сўнг секундометрист томонидан вақт белгиловчи соат юргизилади.

#### 4. Суст ўйин (7:10-11)

Асосий ҳолатлар:

“Суст ўйин” қоидаси ўйинни фаол бўлмаган услуг ёки уни тўлиқ таъкидлаш ва унга қаршилик қилиш имкониятини яратиш учун қўлланилади. Бу ҳолат ҳакамларга суст ўйин турларини ифодалаш ва унга қарши барча рухсат этилган услуг билан курашишга ёрдам беради.

“Суст ўйин” турлари бутун ўйин давомида, жамоанинг барча бўлакларида ўрин олиши мумкин, яъни хужум бошлишдан аввал унга тайёргарлик қилиш ва хужумни якулашда бундай ҳолат яққол сезилиб қолади.

“Суст ўйин” кўпинча қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- жамоа учрашув якунида ҳисобни ушлаб қолишга ҳаракат қилганда;
- жамоа таркиби сон жиҳатдан кам бўлганда яъни ўйинчини четлатилганда;
- ҳимоядаги жамоа ўйинни омили – муваффақиятли ҳимоя бўлса.

Огохлантириш “жест” ини қўлланилиши:

Куйидаги ҳолатларда огохлантириш “жест”и қўлланилади:

1. Ўйинчиларни алмаштириш натижасида ёки жамоа ҳимоядан ҳужумга ўтиш жараёнида вақт чўзилса.

Куйидаги ўзига хос ҳолатлар содир бўлганда:

- ўйинчилар майдон марказида ўйинчини алмаштириш жараёнини кутиб туриб қолса;
- ўйинчи статик ҳолатда тўпни ерга уриб тураверса;
- тўпни ўз майдонига қайтаришга мажбурлик бўлмаса, лекин қайтарилса;
- ўйин жараёнида дастлабки ёки бошқа ҳар қандай тўп ташлашлар кечиктирилса.

**2. Дарвозага түп отишга тайёрланиш жараёнида ўйинчиларни алмаштиromoқчи бўлган пайт.**

Куйидаги ўзига хос ҳолатлар содир бўлганда:

- барча ўйинчилар хужум учун ўз жойларини эгалласа;
- жамоа ўйин жараёни түп узатиб бошлап учун тайёр бўлганда;
- агар, жамоа ўйинчини алмаштириб бўлмагунга қадар түп узатиб ўйинни бошламаса.

### **5. Спортчига хос бўлмаган ҳулқ (8:4, 16:1 г)**

Спортчига хос бўлмаган ҳулқ қуйидагилардан иборат:

- а) 7 метрли жарима түп отишни бажарувчи ўйинчига бақириш;
- б) ўйин тўхтатилган пайтда, рақиблар дарҳол белгилangan түп ташлашни бажармаслиги учун тўпни бошқа томонга ташлаб юборса;
- в) сўз билан рақибларни ёки ўзининг жамоаси аъзоларини ҳақорат қилиш;
- г) ўйин майдонининг ён чизиги ташқарисига чиқиб кетган тўпни ўйинчилар ёки жамоа масъул шахслари қайтариб бермаса;
- д) стандарт тўп ташлаш бажарилиш жараёнини чўзиб юбориши;
- е) рақибни формасидан тортиб ушлаб қолиши;
- ж) дарвазасига 7 метрли тўп ташлаш белгилангандан сўнг дарвазабон тўпни рақибларига бермаса;
- з) майдон ўйинчиси оёқнинг тиззадан пастки қисми билан такроран тўпни қайтарса;
- и) ҳимоя ўйинчилари такроран ўзига тегишли дарвоза майдонига кирса;

к) рақибни хатога йүл қўйдириш мақсадида атайлаб айёрлик қилиш.

## 6. Спортчига хос бўлмаган қўпол хулқ (8:6, 16:6 г)

Спортчига хос бўлмаган қўпол хулқ қуийдагича ифодаланади:

а) иштирокчиларга қарши (ҳакамлар, секретар, секундометрист, вакиллар, масъул шахслар, муҳлислар ва яна бошқалар) қаратилган ҳақоратли ҳаракатлар (оғзаки, имоишора ёки жисмоний);

б) ҳакамлар қароридан сўнг ўйинчи томонидан ташланган тўп узоқ масофага кетса, бундай ҳолатни спортчига хос бўлмаган оддий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди;

в) рақиб томонидан 7 метрли жарима тўп отишни бажаришда дарвозабон томонидан бўшанг (пассив) ҳаракат намойиш этилса, бундай ҳолни ҳакам дарвозабон тўпни қайтаришга ҳаракат қиласлик деган холосага келишга мажбур;

г) рақиб томонидан қоида бузилгандан сўнг, унга жавобан ҳаракат қилишиш (жавобан зарба ёки бошқа жавоб ҳаракатлар);

д) ўйин тўхтатилган пайтда рақибни тўп билан уриш. Бундай ҳолат, рақибга нисбатан жисмоний зўрлик деб баҳоланади.

## 7. Бошлангич тўп ташлаш (10:3)

10:3 қоиданинг асосий талабларига биноан ҳакамлар бошлангич тўп ташлашни тез бажариш учун барча шароит яратиб беришлари лозим. Бу дегани агар жамоа тўп ташлашни тез бажармоқчи бўлганда ҳакамлар ўйинга аралashiш учун сабаб қидирмаслиги лозим.

Дастлабки түп ташлашни ўрта чизик маркази нұқтасидан тахминан 1,5 метр жойдан бажарилиши қоида таркибига қарамай, ҳакамлар бу масофани сантиметригача түғри бўлишини ҳаддан ташқари талаб қилмаслиги тавсия этилади, чунки асосий мақсад рақибларга нисбатан ғирромлик ва дастлабки түп ташлаш учун аниқ бўлмаган шароит юзага келмаслиқдир.

Бундан ташқари, кўп майдонлар марказида реклама қилиш мақсадида ҳар хил расмлар чизилган бўлади, бундай ҳолатларда түп ташлашни бажарувчи ўйинчилар ва ҳакамлар түғри ҳолатни тахминан аниқлайди, буни тўғирлаш учун урунишга ўрин қолмайди.

## 8. “Яққол дарвоза олиниш имконияти” таърифи

14:1 қоидада ифодаланган яққол дарвоза олиниш имконияти тушунчаси қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

а) түп билан ўз ҳаракатини назорат қилувчи ўйинчи рақиб дарвоза майдони чизиги ёнида дарвозага түп отиш имкониятига эга бўлганда, ҳеч бир рақиб рухсат этилган услубда унга ҳалакит бера олмаса;

б) түп билан ўз ҳаракатини назорат қилувчи ўйинчи қаршиликда дарвозабон билан бирга-бир чиққандан ва рақиблардан ҳеч бири унга карши ҳужум қила олмаса;

в) ўйинга юқорида (а) ёки (б) бандда қўрсатилган ҳолатда у ҳали тўпга эга бўлмаса, лекин у дарҳол түп олишга тайёр бўлса; бундай ҳолатда унинг түп эгаллашига рақиблар томонидан ҳеч қандай рухсат этилган усууллар ёрдам бера олмаслигига ҳакамлар тўлиқ ишонч хосил қилганда;

г) дарвозабон ўз дарвоза майдонидан чиқиб кетганда, түп билан ҳаракат қилувчи ўйинчи қаршиликсиз бўш дарвозага түп отиш имкониятига эга бўлганда.

## 9. Секундометрист томонидан ўйинни тұхтатиш (18:1)

Агар секундометрист алмаштириш ёки ўйнашга рухсат этилмаган ўйинчилар хатоси сабабли ўйин тұхтатылса, у ҳолда 4:2-3, 5-6 қоидаларига биноан қоида бузилган жойдан рақиб жамоаси ўйинчилари томонидан эркін түп ташлаш билан ўйин давом эттирилади. Аммо, агар ўйин тұхтатылған пайтда түп рақиблар учун устуңлик ҳолатта олиб келадиган бұлса, у ҳолда эркін түп ташлаш қоида бузилган жойдан бажарылади (13-б, 3 ва 4 қоидага қаранг).

Хатога йұл құйилған бундай ҳолаттарда секундометрист 13:2 ва 14:2 “устуңлик қоидаси” ни ҳисобға олмай дархол ўйинни тұхтатиши шарт. Агар ўйин тұхтатилиши сабабли яққол дарвоза олиниш имконияти бузилса, бундай ҳолатда хатога йұл құйған жамоа дарвозасига 14:1 а қоидага биноан 7 метрли түп ташлаш белгиланади.

Бошқа гурдаги хатоларға йұл құйилғанда секундометрист асосан навбатдаги ўйин тұхтатилишини кутиб ҳакамларға маълум қилиши лозим. Агар секундометрист бундай хатолар сабабли ўйинни тұхтатса, унда бундай хатолик жамоанинг түп йүқотишига олиб келмаслуги керак. Ўйин тұхтатилишидан аввал түпга эга бўлған жамоа эркін түп ташлаш билан ўйинни давом эттиради. Аммо, ҳимоядаги жамоа ўйинчилари томонидан йұл құйилған қоида бузиш ва ўйинни барвақт тұхтатилиши натижасыда яққол дарвоза олиниш имкониятини йүқотишига сабаб бўлса ва бунга ҳакамлар тұлық ишонч ҳосил қилганда 14:1-г қоидада кўрсатылганидек 7 метрли түп ташлаш белгиланади. Асосан секретар (секундометрист) томонидан қайд этилган ва ҳакамларға маълум қилинган қоида бузилишлар (4:2-3, 5-6 қоидаларида ифодаланган ҳолатлардан ташқари) шахсий жазога лойиқ әмас.

14:1 а қоидага биноан 7 метрли түп отишни белгилашга қарор қилиш, шуниндең түпгө эга бўлган жамоа яққол дарвоза олиш имкониятига эга бўлган пайтда хакам ёки техник вакил (ХГФ ёки қитъа, миллий федерация) томонидан оғзаки огоҳлантириш ёки ўйинчини жазолаш учун тўхтатилса ҳам белгиланади.

## Үйинчиларни алмаштириш ҳудуди (зона) қўлланиш тартиби

1. Ўйинчиларни алмаштириш зонаси майдоннинг ён чизиги ташқи тарафидан марказий чизиқнинг улашан нуқтасидан ўнг ва чап томон тааллуқли жамоа заҳирадаги ўйинчилари жойлашган скамейкагача белгиланади (ўлчови қоиданинг 1-расмида кўрсатилган).

ЖГФ ва қигъя федерацияси күрсатмасыга боғлиқ жамоанинг заҳирадаги ўйинчилари учун скамейка марказий чизиқдан 3,5 масофада ўрнатилган бўлиши керак. Ҳар қандай даражадаги мусобақаларни ўтказишда бу тавсияга амал қилиш лозим.

Заҳирадаги үйинчилар учун ён чизик рұпаасыда жойлашған скамейка олдига бошқа ҳар қанақа усқуналар қўйишига рухсат этилмайди (камида марказий чизикдан 8 метр масофада).

2. Скамейкада фақат баённомада қайд этилган ўйинчи ва масъул шахслар жойлашишига рухсат этилади (4:1-2 қоида).

Агар таржимонга эхтиёж бўлган ҳолда у жамоа скамейкасида жойлашади.

3. Ўйинчиларни алмаштириш ҳудудидаги жамоанинг масъул вакили албатта спорт формасида ёки тантанали кийимда бўлиши шарт.

4. Секундометрист ва секретар бутун ўйин жараёнида ҳакамларга ўйинчиларни алмаштириш ҳудудини назорат қилишда ёрдам қилишлари керак.

5. Жамоанинг масъул шахси ўзининг жамоасини қоидага риоя қилиб, одатда скамейкада ўтириб бошқариши лозим.

Аммо масъул шахсга ўйинчиларни алмаштириш ҳудудида қуийдаги вазифаларни бажариш учун ҳаракат қилиб юришга рухсат берилади:

- ўйинчиларни алмаштиришни бажариш;

- майдонда ва заҳиралар скамейкасида жойлашган ўйинчиларга тактик кўрсатмалар бериш;

- тиббий ёрдам кўрсатиш;

- жамоавий тайм-аут талаб қилиш;

- секретар (секундометрист) балки мулоқатда бўлиш, айрим ҳолатларда фақат “жамоанинг масъул шахси” (4:2 қоидага қаранг).

Фақат жамоанинг масъул шахсларидан бигтаси ҳар доим ўрнидан туриб мурожат қилишга рухсат этилади. Ундан ташқари жамоанинг масъул шахсига, алмаштириш ҳудуди талабига риоя қилиб юришига рухсат этилади. Фақат бу ҳолатда масъул шахс секретар (секундометрист) га ўйин майдонини кўринишини тўсмаслиги лозим.

Одатда, ўйинчи алмаштириш ҳудудидаги ўйинчилар скамейкада ўтиришлари талаб этилади.

Аммо қуийдаги ҳолатда ўйинчиларга рухсат берилади:

- скамейка ортида жой бўлса, ҳаракатлари салбий оқибатга олиб келмаса тўпсиз “разминка” қилишларига рухсат берилади.

Жамоанинг ўйинчилари ва масъул шахсларига рухсат этилмайди:

- ҳакамларни, вакилларни, секретар (секундометрист), ўйинчиларни ҳақорат қилиш ёки ҳаракатларига аралашиш қатъий ман этилади;

- ўйин ҳолатига таъсир этиш учун ўйинчи алмаштириш худудидан чиқиб кетиш.

6. Ўйинчилар алмаштирувчи худудига қўйилган талаблари бузилса, у ҳолда ҳакамлар 16:1 г, 16:3 в-г ёки 16:6 б, г, ж қоидаларига биноан (огоҳлантириш, четлатиш, дисквалификация) белгиланади.

7. Агар ўйинчилар алмаштириш худудида қоида бузилишига йўл қўйилганини ҳакамлар қайд этмаса, у ҳолда уларга секретар (секундометрист) навбатдаги ўйин тўхтатилганида маълум қиласди.

Ўйинни кузатиш учун тайинланган техник вакиллар (ХГФ ёки қитъя федерацияси) агар, ўйин қоидаси ёки ўйинчини алмаштириш худудига қўйилган талаблар бузилган деб топилса, у ҳолда ҳакамларни (навбатдаги ўйин тўхтатилганда) таклиф этиши мумкин (аммо, ҳакамлар ўйин ҳолатини баҳолаб қабул қилинган қароридан бошқа).

Бундай ҳолатда ўйин ҳолатига биноан тааллуқли тўп ташлаш билан ўйин давом эттирилади.

Аммо, (ХГФ ёки қитъя федерацияси) техник вакили жамоаларнинг бири томонидан хато бузилиши сабабли ўйинни дарҳол тўхтатиш қарори қабул қилинса, у ҳолда рақиб жамоаси тўпга эга бўлиб турган жойдан (эркин тўп ташлаш ёки 7 метрли жарима тўп, агар яққол дарвоза олиниш имконияти барбод бўлса) ўйин давом эттирилади.

Ўйинчи ёки масъул шахс томонидан қоида бузилиш ҳакамлар томонидан дарҳол жазоланиши шарт, жазо тури учрашув баённомасида қайд этилиши лозим.

8. Агар ҳакамлар ўйинчи алмаштириш худудига қўйилган талаблар бузилишига аҳамият бермаса, ҳатто улар

бу ҳақда олдин огоҳлантирилган бўлса, бундай ҳолатда (ХГФ ёки қитъа федерацияси) техник вакил бу ҳақда тегишли ташкилотта билдиришнома бериши шарт (масалан, аҳлоқ қўмитасига). У ташкилот ўйинчиларни алмаштириш худуди талабларига ҳакамлар ҳаракатининг муофиқлигини аниқлаиди.

### III БЎЛИМ. МУСОБАҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Кўл тўпи мусобақалари ўқув-машғулот ишларининг асосий қисмини ташкил этади. У шугууланувчиларнинг машғулотларга қизиқишини оширади, мамлакатда қўл тўпини оммавий ривожлантиришга ёрдам беради. Ганд-болчи ўйинларда мунтазам қатнашмай туриб юқори натижаларга эриша олмайди. Мусобақалар мусобақа қатнашчиларининг ва, умуман, жамоанинг жисмоний, техник, тактик ва ахлоқий-иродавий тайёргарлиги дара-жасини аниқлайди, ўқув-машғулот жараёнининг аҳволи ва йўналишини аниқлаш имконини беради. Мусобақа натижалари ўқув-машғулот ишларини якунлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Мусобақалар қатъийликни, ғалабага эришиш йўлидаги ирода кучини, жамоа, туман, шаҳар, республика, қолаверса, мамлакат олдидағи масъулият ҳиссини тарбия-лайди. Ўйинчиларнинг эмоционал кескинилиги гандболчи-ларнинг руҳий хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

#### Мусобақаларни бошқариш

Мусобақаларни тайёrlаш ва ўтказишга умумий раҳбарликни амалга оширадиган ташкилот, шунингдек, мусобақани ўтказиш учун аниқ жавобгар шахс бўлиши, мусобақалар

жойини тайёрлаш, спортчи ва ҳакамларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, уларга тиббий хизмат құрса-тиш, шунингдек, маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳам жавобгар тайинланиши керак.

## Мусобақа турлари

Олдига қўйилган вазифаларига қараб мусобақаларни асосий ва ёрдамчи мусобақаларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги томонидан тасдиқланган спорт таснифи талаб-ларига мувофиқ ташкил этиладиган ҳамда натижаларига қўра ғолиб ва чемпион деган ном бериладиган мусобақалар асосий мусобақаларга киради.

Мусобақаларнинг асосий тури - тақвим мусобақалари бўлиб, улар спорт тадбирларининг ягона тақвимий режасида назарда тутилади ва тасдиқланган низомга мувофиқ равища ўтказилади. Мусобақанинг асосий турлариға: биринчилик ёки чемпионатлар, кубок мусобақалари, саралаш мусобақалари киради.

Биринчилик ёки чемпионатлар – энг масъулиятли мусобақалар бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ғолиб жамоаларга чемпионлик унвони берилади. Мусобақаларни ташкил этишининг бу тури жамоалар кучини холисона баҳолашга, олиб борилаётган ўкув-машғулот ишининг сифатини таққослашта имкон беради.

Кубок мусобақаларига жуда кўп жамоаларни жалб этиш мумкин ва улар ғолибни қисқа муддатларда аниқлаш мақсадида ўтказилади. Кубок мусобақалари энг яхшиларни изчиллик билан танлаб олиш бўйича ўтказилади.

Саралаш мусобақалари мусобақанинг кейинги босқичида қатнашиш учун энг қучли жамоаларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мусобақанинг ёрдамчи турларига қуийдагилар киради: назорат учрашувлари, ўртоқлик учрашувлари, қисқартирилган мусобақалар.

Назорат учрашувлари жамоаларни бўлажак мусобақаларга тайёрлаш ва уларнинг тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказилади.

Ўртоқлик учрашувлар ўқув-машгулот мақсадларида ёки анъанавий мусобақалар режасида ўтказилади.

Қисқартирилган мусобақалар бир неча соат мобайнида ўтказилади. Улар, одатда, байрам кунларига ва спорт мавсумининг очилиш ёки ёпилиш кунларига режалаштирилади.

### **Мусобақаларни режалаштириш**

Гандбол мусобақаларини режалаштириш марказлаштирилган тарзда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги барча идоралар ва спорт ташкилотлари билан келишиб, мусобақаларнинг тақвим режасини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Гандбол федерациясининг вилоят, ўлка ва шаҳар мусобақалари йиғма тақвим режасини юқори ташкилотлар томонидан режалаштирилган мусобақаларни ҳисобга олган ҳолда тузиши мақсадга мувофиқдир.

Зарур ўзгартиришлар киритилгандан кейин, гандбол бўйича умумий йиғма режа тегишли жисмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг оммавий спорт тадбирлари режасига киритилади ҳамда барча спорт ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

## *Мусобақа ўтказиши тизимлари*

Мусобақа ўтказишида асосан икки тизим - айланма тизим ва чиқиб кетиш тизими қўлланилади. Бошқа ҳамма тизимлар шунга асосланган бўлади.

### **Айланма тизим**

Мусобақа ўйинларини айланма тизим бўйича ўтка-зиш учун жамоалар бир-бирлари билан бир маротаба учрашишлари керак. Агар мусобақа бир даврада ўтка-зилса, бир марта учрашишади. Энг тўғри йўл – мусобақани икки даврада ўтказишидир. Айланма тизим бўйича мусобақада учрашгандарнинг ҳамма ўринлари белгиланади. Энг кўп очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади. Давра тизимини ўтказиши тартиби, мусобақага қатнашувчи жамоа тартиб рақамлари куръя ўтказил-гандан сўнг белгиланади. Жамоа номерлари белгилангандан сўнг шу номерларга асосланиб ўйин жадвали тузилади. Давра тизимининг ўйин тақвимларини эса икки хил усулда тузиш мумкин:

**Биринчи усул:** Тақвимнинг тузилиши мусобақага қатнашувчи жамоалар сонига боғлиқ. Бунинг учун жамоалар сонига яқин тоқ сон олинади ва шунга лойик вертикал чизиқлар чизилади. Масалан: 6 жамоа олсак, унга яқин тоқ – 5, демак, беш вертикал чизиқ чизилади. 8 жамоа олсак унга яқин тоқ сон – 7 ва ҳоказо.

Сўнгра биринчи вертикал чизиқнинг тагига биринчи рақам қўйилади. Қатнашувчи қолган жамоаларнинг тартиб рақамини эса шу чизиқниң ўнг тарафидан кетма-кет юқорига, кейин пастга қараб соат стрелкасига қарама-қарши равишда чизиқнинг чап тарафидан ёзилади (1-жадвал, 1-устун).

Вертикал чизиқларнинг таги ва устига, тагидан бошлаб иштирок этувчи жамоаларнинг умумий сонига яқин тоқ

сонигача, чапдан ўнга қараб биттадан устун ташлаб жамоаларнинг рақамлари ёзилади. (1-жадвал). Бу рақамлар вертикал чизиқларининг ўнг ва чап тарафига қатнашувчи жамоаларни ёзишга дастлабки рақам бўлиб хизмат қилади.

### 1-жадвал

#### 6-жамоага тақвим тузиш

6 · 4	6 · 5
4 : 3    5 : 3    5 : 4    1 : 4    1 : 5	
5 : 2    1 : 2    1 : 3    2 : 3    2 : 4	
1 · 6	2 · 6              3 · 6

1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун
1-6	6-4	2-6	6-5	3-6
2-5	5-3	3-1	1-4	4-2
3-4	1-2	4-5	2-3	5-1

Қолган рақамлар соат стрелкасига қарама-қарши, вертикал чизиқ тагидаги рақамдан кўпайтирилиб, вертикал чизиқ тепасидаги рақамдан эса камайтирилиб ёзилади. Шу графалар тўлдирилгандан сўнг ўйин календари тузилади. Бунинг учун вертикал чизиқларининг икки томонидаги бир-бирига паралел рақамларни жуфтлаб кўшиб ёзиш зарур.

Иштирок этувчи жамоаларнинг умумий сони тоқ бўлса, у ҳолда вертикал чизиқларнинг устидаги ва тагидаги рақамлар шу кунги ўйинда иштирок этмайдиган жамоаларни кўрсатади. Ўйиннинг тақвим куни жадвалини тузишида бўш рақамлар (вертикал чизиқларнинг усти ва тагидаги) охирги жамоа билан бошланади.(бизнинг мисолимизда 1-6 билан).

**Иккинчи усул:** Бу оддий усул ўйин жараёнида майдон алмаштириш ҳеч қандай роль ўйнамаганда, яъни мусобақа бир жойда ўтказилғанда құлланилади. Бу усул бевосита тақвим қунлари тартиби билан тузилади. Қатнашувчи жамоалар сонига мос рақамлар (жамоалар сони жуфт бўлса), юқоридан чап тарафдаги биринчи рақамдан бошлаб икки устунга ёзиб чиқилади. Сўнгра иккинчи рақамдан бошлаб, биринчи рақамга қарама-қарши соат стрелкасига кетма-кет бошқа рақамлар иккинчи устунга ёзилади. Кейинги тақвим қунларда рақамларни, биринчи рақамни бир жойда, яъни олдинги жойда қолдириб соат стрелкасига қарама-қарши бошқа рақамлар силжитилади. Агар мусобақага қатнашадиган жамоалар сони тоқ бўлса, охирги жуфт сонлар ўрнига ноль рақами қўйилади, қолган рақамлар эса жой-жойида қолдирилади. Ноль рақами билан жуфтлашган жамоа шу тақвим куни ўйнамайди.

## 2 жадвал

### Тақвим бўйича ўйин қунларини 7 жамоага иккинчи усул билан тақсимлаш

1- кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун	6-кун	7- кун
1-0	1-3	1-4	1-5	1-6	1-7	1-0
0-3	2-4	3-5	4-6	5-7	6-0	7-2
7-4	0-5	2-6	3-7	4-0	5-2	6-3
6-5	7-6	0-7	2-0	3-2	4-3	5-4

Мусобақани айланма тизим бўйича ўтказишга кеттан вақтни аниқлаш учун умумий ўйинлар ҳисобини олиш керак. Бу қуйидаги формула билан аниқланади.

$$M = \frac{K(K - 1)}{2}$$

M – ўйинлар сони;

K – мусобақада қатнашувчи жамоалар сони.

Ўйин жадвалини тузишда тақвим бўйича ўйин кунлари орасидаги вақтга аҳамият бериш керак. Агар жамоалар бошқа жойга бориб ўйнаши керак бўлса, мусобақа бошланишидан бир кун олдин келишади. Агар мусобақа бир жойда ўтказиладиган бўлса, учрашув орасидаги вақт жамоаларнинг машқ қилиши ва дам олишига етарли бўлиши керак.

### Ютқазгандан сўнг ўйиндан чиқиб кетиш тизими

Бу тизим қоида бўйича қатнашадиган жамоалар сони кўп бўлса, оз муҳлат ичидаги мусобақани ўтказиш учун кўлланилади.

Ютқазган жамоалар мусобақани давом эттирмайди. Мусобақа тақвимининг сеткасини тузиш учун мусобақага қатнашувчи жамоларнинг сонини аниқлаб, сўнг қуръа ташлаш ўтказилади. Қуръа ташлаш ўтказилгандан сўнг ташган рақамлар тартиб билан ёзилади. Шундай қилиб учрашадиган жамоалар қуръа ташлаш орқали маълум бўлади. Жамоалар сонига биноан сетка тузилади.

Агар жамоалар сони 2 нинг қандайдир даражасига teng бўлса:

( $2^2$  к 4;  $2^3$  к 8;  $2^4$  к 16;  $2^5$  к 32 ва ҳоказо), бундай ҳолларда ҳамма жамоалар учрашувини биринчи даврада бошлайдилар. Агар қатнашувчи жамоалар сони  $2^n$  дара-жасига teng бўлмаса, у ҳолда иккинчи даврага қолган жамоалар сони  $2^n$  даражасига teng бўлиши керак.

Демак, жамоаларнинг бир қисми биринчи кундан, иккинчи қисми иккинчи кундан бошлаб учрашадилар.

Биринчи кунда учрапшувчи жамоалар сонини аниқлаш учун күйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K(M-2^n) \cdot 2$$

K-биринчи кундан ўйинга қатнашадиган жамоалар сони;


M-мусобақага қатнашувчи жамоалар сони;

$2^n$  - қатнашувчи жамоалар сонига энг яқин 2 сони-нинг даражаси. Масалан: ўйинга қатнашувчи жамоалар сони 11. Шу сонга сетка тузиш зарурдир. Бунинг учун 11-га энг яқин  $2^n$  даражаси олинади. Бу сон  $2^4 = 16$  бўлади. Сўнг 16 дан қатнашувчи жамоалар сони айрилади.  $16-11=5$

Айриш натижасида қолган беш – жамоалар сони бўлиб, ўйиннинг иккинчи даврасидан мусобақага кўшилади. Ўйиннинг 2-даражасидан кўшиладиган жамоалар сони тоқ бўлса, сетканинг юқорисига қараганда пастга бир жамоани кўп кўямиз.

### 11 жамоага сетка тузиш

1-давра 2-давра 3-давра 4-давра Фолиб



Ютилгандан сұнг чиқиб кетиш тизимининг ютуғи шундан иборат: мусобақага қатнашувчи жамоалар сонининг күплигига қарамай қисқа вақт ичида ғолиблар аниқланади.

Аммо бу тизимнің мұхим камчилігі - учрашувчи жамоалар жуфти қуръа ташлаш натижасыда аниқланади. Бу эса тасодифий нарса, чунки әңг күчли иккі жамоа қуръа натижасыда бир сектеге тушиб қолиши мүмкін. Шу иккала жамоанинг бири финалгача мусобақаны давом эттирмай, чиқиб кетиши керак. Бунинг натижасыда финалга күсиз жамоа чиқади.

Бу тизимда, одатда, бириңчи уч ўрин аниқланади.

1-ўрин - финал ғолиби.

2-ўрин – финалда мағлубиятта учраган жамоа.

3-ўрин - ярим финалда мағлубиятта учраган жамоалар учрашуви ғолиби.

### *Мусобақа низоми*

Совринли ўринлар, шунингдек, мусобақада қатна-шувчи жамоалар ёки жисмоний тарбия жамоалари (натижалар клублар бүйіча ҳисобға олинғанда) әгаллай-диган барча кейинги ўринлар аниқланадиган бирон-бір расмий мусобақа үтказищдан аввал мусобақа хақидаги низом тузилған бўлиши керак. Бу низом гандбол федерацияси ёки мусобақаны үтказувчи бошқа бирор ташкилот томонидан тасдиқланади.

Мусобақа хақидаги низом катта юридик күчта эга бўлган хужжатдир. Унда асосий ташкилий ва техник шарт-шароитлар аниқ баён қилинганди бўлади. Низом ўқув-машқ ишларининг мазмунини белгилаб беради, чунки жамоаларнинг ташкилий-услубий тайёргарлиги бўлажак мусобақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда үтказилади. Мусобақада қатнашувчи жамоаларнинг тайёргарлик кўриш учун етарли вақтга

эта бўлишлари назарда тутилиб, низом олдиндан тасдиқланиши ва тарқатилиши керак.

Мусобақани ўтказиш даврида тасдиқланган низомдан четга чиқишига йўл қўйилмайди, акс ҳолда мазкур мусобақа уни ўтказаётган ташкилотнинг обрўйига путур етказади ва кераксиз низоларни келтириб чиқаради, холос.

Мусобақа низомида қуидаги масалалар акс этти-рилган бўлиши керак:

1. Ўтказилаётган мусобақанинг мақсади ва вази-фалари.
2. Мусобақанинг ким томонидан ўтказилаётгани (федерация, ташкилий қўмита ва ҳоказолар).
3. Мусобақа ўтказиши муддатлари ва шартлари.
4. Мусобақага қўйиладиган жамоалар сони ва номи, «заявка»га киритиладиган қатнашчиларнинг максимал миқдори.
5. Мусобақа ўтказиладиган ўйин тизими (даврали – бир ёки икки даврали, мағлубиятдан кейин ўйиндан чиқиб кетиладиган, аралаш тизим).
6. Ҳисобга олиш тизими ва жамоаларнинг (натижалар клублар бўйича ҳисобланганда) эгаллаган ўриниларини аниқлаш тартиби.
7. Мусобақанинг алоҳида шартлари (қандай ҳолларда ўйинда қўшимча вақт белгиланиши ва унинг давомийлиги, ўйин дуранг билан тугалланганда ёки ўтказилган мусобақа натижасида очколар сони тенг бўлганда ғолибни аниқлаш усуллари, ўйин қоидаларида кўрсатилганидан ташқари нечта заҳирадаги ўйинчини алмаштириш мумкинлиги ва ҳоказолар).
8. Жамоаларни ва мусобақа қатнашчиларини расмийлаштириш тартиби, шакли, ўйинчиларнинг талабномалар бериш ва қайта талабнома бериш муддати.

9. Мусобақаларни олиб борадиган ҳакамлар ҳайъатининг номи.

10. Ўтказилган ўйинга норозилик билдириш ва уни қараб чиқиши, шунингдек, ўйинчиларни майдондан чиқариб юбориш ёки уларни огоҳлантириш билан боғлиқ бўлган интизом масалаларини кўриб чиқиши тартиби.

11. Ўйинчилари интизомни бузганилиги учун жамоаларнинг жавобгарлиги ҳамда майдон(спорт зал) ва клублар маъмуриятининг ўйин ўтказиш вақтида тартиб сақланиши учун жавобгар бўлиши.

12. Мусобақа ўтказиладиган жойлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

13. Голибларни мукофотлаш ҳамда охирги ўринларни эгаллаган жамоанинг ёки жамоаларнинг кейинги худди шундай мусобақада қатнашиш шартлари.

## М У Н Д А Р И Ж А

I бўлим. Мусобақа қоидалари	3
1-қоида. Ўйин майдони	3
2-қоида. Ўйин вақти	8
3-қоида. Тўп	11
4-қоида. Жамоа ўйинчиларни алмаштириш. Ўйинчилар формаси	11
5-қоида. Дарвозабон	16
6-қоида. Дарвозабон майдони	17
7-қоида. Тўп билан ўйнаш. Суст ўйин	19
8-қоида. Коида бузиш ва спортчига хос бўлмаган ҳулқ	21
9-қоида. "Дарвоза олиниши"	23
10-қоида. Дастребаки тўп ташлаш	25
11-қоида. Ён чизиқдан тўпни ўйинга киритиш	26
12-қоида. Дарвозабон томонидан тўпни ўйинга киритиш	26
13-қоида. Эркин тўп ташлаш	27
14-қоида. 7 метрли жарима тўп отиш	30
15-қоида. Тўп ташлашни бажариш учун умумий тавсиялар	32
16-қоида. Жазолаш	34
17-қоида. Ҳакамлар	40
18-қоида. Секретар (секундометрист). Ҳакамлик жойлари	43
II бўлим. Ўйин қоидаларини ўргатиш учун услубий тавсияномалар	49
III бўлим. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш	61
Мусобақа турлари	62
Мусобақани ўтказиш тизимлари	64
Мусобақа Низоми	69

# ГАНДБОЛ

(Мусобақа қоидалари, уларни ташкил этиши  
ва ўтказиш тизими)

*Мұхаррір Л.Абдурахмонаға  
Техник мұхаррір М.Султонов*

Босишига рухсат этилди 25.07.08. Қоғоз бичими 60x84 1/16.  
Ҳажми 4,5 физ.б.т. 05-07 рақамли шартнома. Адади 300  
нұсқа. \_\_\_\_\_-сон буюртма.  
«Дизайн Принт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

